

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**Н.ТУРНИЁЗОВ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЛИНГВИСТИК
НАЗАРИЯЛАРИ**

САМАРҚАНД – 2007

Турниёзов Н. Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари. Самарқанд давлат чет тиллар институт нашри, 2007, 52 б.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада хорижий мамлакатларнинг йирик тилшунос олимлари лингвистик таълимотлари ҳамда назариялари ҳақида маълумот берилади. Қўлланма филолог-талабаларга мўлжалланган бўлиб, ундан филология соҳасида илм олаётган магистрантлар ва аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув-услубий қўлланма СамДСТИ илмий кенгашининг 2007 й., ... бўлиб ўтган ... сонли, ўқув-услубий кенгашининг 2007 й., бўлиб ўтган ...сонли мажлислари қарорлари билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир

Филология фанлари доктори, проф. Йўлдошев.

Тақризчилар:

доц. Х.Хайруллаев

доц. А.Туробов

Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2007-йил.

Сўз боши

Тилшунослик фани ўзининг бугунги тараққиёти давригача эришган улкан ютуқларда хорижий мамлакатлар олимларининг ҳам салмоқли улушлари бор, албатта. Айниқса америкалик структуралистларнинг, хусусан, дескриптив тилшунослик намояндаларининг, Прага тилшунослик мактаби аъзоларининг, копенгаген глоссематик йуналиши вакилларининг бу соҳадаги хизматлари таҳсинга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эслатиб ўтилган тилшунослик мактаблари намояндаларининг кўпчилиги у ёки бу маънода В.фон Гумболдт ва Ф.де Соссюрни ўзларининг устозлари деб биладилар. Шу боис мазкур услубий қўлланманинг аввалида уларнинг лингвистик таълимотлари ҳақида маълумот беришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бундан ташқари, қўлланмада Х.Блумфилднинг лингвистик қарашлари талқинига ҳам алоҳида ўрин ажратилди, зотан, у дескриптив тилшуносликнинг асосчисидир.

Равшанки, ҳозирги жаҳон тилшунослигида функционал таҳлил масаласи устувор аҳамият касб этади. Бу борада олимлар турли хил йуналишдаги тадқиқотларини эътиборимизга ҳавола этишдилар. Бирок мазкур муаммо А.Мартине назариясида илмий асоли ёритилди ва у бу жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. Фонологик муаммолар тавсифи билан эга Н.Трубетской шухрат қозонди. Шунга биноан А.Мартине ва Н.Трубетскойларнинг назариялари ҳақида ҳам қўлланмада қисқача маълумот берилмоқда.

Тил унсурларининг структур таҳлили бобида фромсуз тилшуноси И.Теньйир ўзига хос мактаб яратган олимлардандир. У ўзининг вербосентрик назарияси билан эътибор қозонди. Ана шу боис И.Теньйир ҳақида, хусусан, унинг актантлар назарияси, хусусида ҳам мулоҳаза юритдик.

В.фон Гумболдт ва унинг лингвистик таълимоти

Улуғ немис олими Вилгелм фон Гумболдт 1767-йилда дворян оиласида таваллуд топади. У 1787-йилда Франкфурт университетига ўқишга киради. Бир йилдан кейин эса ўқишини Гёттенгин университетига кўчиради. У пайтда мазкур университетда Х.Хайне дарс берар эди. Гумболдт 1801-1819 йиллар мобайнида давлат ишларида фаолият кўрсатади. У 1820 йилдан бошлаб ўзини тўлиқ тилшунослик муаммоларини ўрганишга бағишлайди.

Гумболдтнинг дастлабки тадқиқот ишларида тилшунослик муаммолари фалсафий нуқтайи назардан ёритилади. У кўпроқ И.Кант ва И.Фихте каби файласуфлар ғоялари таъсирида бўлади. Шу боис унинг баъзи қарашларида идеалистик тушунчалар кўзга ташланади. Масалан, унинг тилни ташқи дунёни инсон руҳиятининг мулки сифатида ўзгартирувчи фаолият тарзида тушуниши бунга мисол бўла олади. Мазкур нотўғри ғоя кейинчалик Э.Сепир ҳамда Б.Уорфларнинг назарияларига ҳам таъсир этди. [1,49] бироқ бу билан биз Гумболдтнинг тилшунослик фани олдидаги улкан ютуқларини инкор этмоқчи эмасмиз. Тилшунослик соҳасида Гумболдт эришган ютуқлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Гумболдт тилни бир бутун ҳолдаги система тарзида тушунади. Бу эса унга тил белгилари ҳақида ўзига хос назария яратиш имконини беради. У сўзни тил белгиси деб билади ва буни қуйидагича изоҳлайди: сўз маълум бир тушунчанинг белгисидир. Сўз сўз бўлиши учун товушлар қобогининг ўзи камлик қилади. Уни товуш ва тушунча бирлигидан иборат деб билмоқ лозим.

Гумболдт тил ўз маҳсулотлари мажмуасидан ташкил топган бутунлик сифатида нутқий фаолият актларидан фарқ қилишини айтади. Бу эса олим тил билан нутқни фарқлаганидан далолат беради. Албатта, бунинг аҳамияти каттадир. Зотан, олим яшаган даврда тил билан нутқнинг фарқланиши катта илмий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Гумболдт тилшуносликнинг кўплаб масалалари талқинига қўл уради ва ҳар доим унинг лингвистик назарияси асосида (марказида) тилнинг ички формаси масаласи ётганини кўради. Олим, умуман, тил формаси деганда, тилнинг барча унсурлари муносабатидан ташкил топган яхлитликни тушунади. Бу яхлитлик тилнинг индивидуал қўлланишида ҳам, ижтимоий қўлланишида ҳам сезилиб туради. Бир сўз билан айтганда, тил формаси деганида, Гумболдт грамматика, фонетика ва лексикани ҳам ўз ичига оладиган умумий тил шаклини тушунади. [1, 50-53].

Гумболдт тилнинг асосида материя номи билан аталувчи субстансиялар ётишини таъкидлайди. Бу – товуш ҳамда инсон руҳияти билан бевосита боғлиқ бўлган маънодир. Товуш тилнинг ташқи субстансиясини (моҳиятини), маъно эса ички психик, ментал субстансиясини ташкил қилади. Ички формани материал аспект деб эмас, балки идеал аспект деб тушунмоқ керак. Тилнинг ички формаси унинг

ташқи формасининг ҳосил бўлиши учун ҳам аҳамият касб этади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ички формани Гумболдт ҳар бир унсури иккинчиси билан боғлиқ ҳолда мавжуд структура тарзида талқин этади. Бу, ўз навбатида олимнинг ҳозирги тилшунослигимизда тилнинг система сифатида ўрганилиши масаласига назарий жиҳатдан яқинлашиб қолганини кўрсатади. Бошқача айтганда, Гумболдт жаҳон тилшунослигида биринчилардан бўлиб тилнинг ситем характерли эканлиги ҳақида мулоҳаза юритган эди [1,49].

Гумболдт тил ва тафаккур муносабати масаласи бобида ҳам қимматли фикрлар бериб, тилни фикрнинг воқеланиши учун зарурий орган сифатида таърифлайди [2,75]. Унинг фикрига кўра, инсоннинг ақлий фаолияти мутлақо руҳий бўлиб, у материал нуқтайи назаридан товушлар орқали воқеланади. Шунинг учун тафаккур фаолияти тил билан узвий боғлиқдир. Олим тушунча билан товушнинг боғланишини изоҳлаганда улар ўз табиатига кўра бошқа-бошқа нарсалар эканлигини, уларни сўз орқали боғлашда инсоннинг иштироки зарурлигини таъкидлайди.

Шу нарса характерлики, Гумболдт сўз предметнинг эквиваленти эмаслигини, сўзда тайёр ҳолдаги тушунча йўқлигини, у инсонни тушунча ҳосил қилишга ундовчи восита эканини айтади. Шунинг учун ҳар бир шахс муайян предмет хусусида ўзича тушунчага эга эканлигини тўғри кўрсатиб беради [1,55].

Гумболдтнинг таълимотида тилни тил қилувчи инсон эканлиги таъкидланади ва шу билан бирга, инсон ҳам бўлиши учун тил даркор эканлигини мутлақо тўғри изоҳлайди. Бу жуда муҳимдир. Чунки тилни инсонсиз, инсонни эса тилсиз тасаввур этиш қийин. Бироқ тилшунослик фанининг қарийб ҳозирги тараққиёти давригача бу нарса эътиборга олинмади. Бу ҳақда сўз юритганида Е.А.Порова куйидагиларни таъкидлайди: “Бугунги кунда биз тил тараққиётининг инсон омилини эътиборга олмай иш юритган даврини тасаввур қилишга қийналамиз, зотан, бунда тилшунослик инсон тушунчасидан ташқарида эди (лингвистика была «безчеловечной») [3,69]. Бу, албатта, Гумболдтнинг тил ва инсон ҳақидаги мулоҳазалари мутлақо тўғри эканлигини кўрсатади.

Гумболдт тилни ўзгармас характерли эмаслигини, аммо айтиш пайтда барқарорлигини айтади. Бундан ташқари унинг тил ҳақидаги куйидаги фикри ҳам аҳамиятга одамлар мулоқотида кўрсатса ҳам, унинг тараққиёти алоҳида шахс билан боғлиқ эмас [1,56]. Олим тилни ўлик маҳсулот сифатида эмас, балки яратувчи восита сифатида тушунади. Шунинг учун у тилни фаолият маҳсули (эргон) тарзида эмас, балки энергия сифатида тавсифлайди [2,70].

Юқоридагилар билан бир қаторда шунини ҳам айтиш керакки, Гумболдтнинг тилларни қиёсий ўрганиш бобида ҳамда тилларнинг морфологик таснифи олиб борган тадқиқот ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Таянч сўз ва бирикмалар

Система, орган, ташқи форма, ички форма, материя, субстансия, эргон, энергия

Мавзу бўйича саволлар

1. Гумболдтнинг дастлабки тадқиқот ишлари нимаси билан характерланади?
2. Гумболдт тилнинг ички формаси деганда нимани тушунади?
3. Тилнинг ташқи формаси қайси жиҳатларига кўра ички формадан фарқланади?
4. Сўз шакли билан маъно қандай боғланади?
5. Гумболдтнинг лингвистик таълимотида инсон омили қандай баҳоланади?
6. “Ергон ва энергия” терминларини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар

1. Березин Ф.М. История лингвистических учений.-М., 1975.
2. Гумбольдт В.Ф. Избранные труды по языкознанию.-М., 1984.
3. Попова Е.А. Человек основополагающая величина современного языкознания // Филологические науки, № 3, 2002.
4. Звегинцев В.А. О научном наследии Вильгельма фон Гумбольдта // Приложение к избран. труд. по языкозн. В.Ф.Гумбольдта.

Ф. Де Соссюр ва унинг лингвистик таълимоти

Шветсариялик машхур тилшунос Фердинанд де Соссюр 1857 йилда Веневада олимлар оиласида таваллуд топади. У болалик пайтларидаёқ юнон ҳамда лотин тилларини мукаммал ўрганади.

Соссюр 1875 йилда Венева университетига ўқишга киради. 1876 йилда эса ўқишини Германиянинг Лайпсид университетига кўчиради ва бу ерда икки йил давомида таҳсил олади.

Соссюр 1880 йилда “Санскритда абсолют қаратқич” деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Шундан сўнг у 1880 йилда Парижга келади ва Париж лингвистик жамиятининг фаол иштирокчиси сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Соссюр 1891 йилда яна ватанига қайтади ва 1907 йилдан бошлаб Женева университети умумий тилшунослик кафедрасига мудирлик қилади.

Олим 1913 йилда вафот этади. Шуни ҳам айтиш лозимки, Соссюр ҳаёт пайтида илмий ишларининг чоп этилишига унчалик қизиқмайди. Унинг бутун жаҳонга машхур “Умумий тилшунослик курси”ни эса шогирдлари (Ш.Балли, А.Сеше) нашрга тайёрлайдилар ва ишнинг чоп этилишига эришишади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ф.де Соссюр жаҳон тилшунослигида биринчилардан бўлиб тилнинг система эканлигини ва мазкур система катта-кичик белгилар йиғиндисидан ташкил топишини илмий асослаб берди. Бу олимнинг улкан ютуқларидан бири эди.

Соссюр таълимотида тил белгиси икки жиҳатга – ифодаловчи (означающее) ва ифодаланувчи (означаемое) жиҳатларга эга эканлиги алоҳида уқтирилади. Анна шу боис тил белгилари сифатида морфема ва сўз кўрсатилади, зотан, уларнинг ҳар бири ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларига эгадир. Бунда товушлар мажмуаси ифодаловчи, морфема ёки сўз англатаётган маъно эса ифодаланувчи омиллар тарзида белгиланади.

Морфеманинг ҳам, сўзнинг ҳам муаян товушлар орқали ифодаланиши изоҳ талаб қилмайди, албатта. Аммо сўз билан морфема ўртасида ифодаланиш режасига кўра маълум фарқ кўзга ташланади. Мустақил сўзларнинг барчаси ҳар доим муайян лексик маъно ифодасини беради. Бу табиийдир. Аммо аффикс морфемалар лексик маъно ифодалай олмайди, улар грамматик маъно ифодалайди. Мазкур хусусият боғловчи, кўмакчи ва бошқа ёрдамчи воситаларда ҳам кузатилади.

Соссюрнинг лингвистик таълимотида фонема тил белгиси жумласига киритилмайди. Чунки у мустақил ҳолда на грамматик ва на лексик маъно ифодалайди. Фонема тил белгиларининг акустик жиҳатини ташкил этади.

Соссюр таълимотида тил белгисини танлаш эркин эканлиги таъкидланади ва бу мутлақо тўғридир. Масалан, маълум бир предметга қўйилган ном инсон тили пайдо бўла бошлаган даврлардан қандай аҳамият касб этган бўлса, нарса ва предметларни, воқеа-ҳодисаларнинг номланиши ҳозир ҳам шундай аҳамиятлидир. Бироқ бундай номланиш мажбурий эмас, балки эркиндир. Шундай бўлса ҳам, бу эркинликни доимий деб бўлмайди.

Эркинлик номланаётган тил белгиси системага киргунга қадар давом этиши мумкин. У тил системасидан ўрин олгач эркинлик тарқ этилади. Зотан белги система таркибига кириб қайд этилгач, уни осонликча ўзгартириб бўлмайди. Акс ҳолда, сўзловчи жамоа бир-бирини тушунишда кийинчиликларга дуч келиши муқаррардир.

Тил белгисининг танланиши эркинлигини яна муайян бир предмет ёки воқеа-ҳодисанинг тилларда турлича номланишида ҳам кўрамизра :бре-дарахт-дерево.

Ф.де Соссюрнинг тил системаси ҳақидаги таълимоти структурализм йуналиши вакиллари учун дастуруламал бўлди дейиш мумкин. Масалан, И.Елмслевнинг глоссематик назарияси тўлиғича Соссюрнинг “тил субстансия эмас, балки формадир” деган ғоясига асосланади.

Ф.де Соссюрнинг тилшунослик фани олдидаги улкан хизматларидан яна бирини “тил ва нутқ” дихотомиясининг илмий асослаб берилганлигида кўрамиз. Соссюр тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлигини, улар муштарак ҳодисалар эмаслигини алоҳида таъкидлайди ва бунда энг аввал тилнинг сотсиал ҳодиса эканлиги, нутқнинг эса индивидуал характери эътиборга олиниши лозимлиги айтилади [1,170-171].

Тил билан нутқ, албатта, бир-бири билан узвий боғлиқ ҳодисалардир, бири мавжуд бўлмас экан иккинчиси яшай олмайди. Лекин шундай бўлса-да, улар алоҳида-алоҳида ҳодисаларни тақозо этади. Тил ўз табиатига кўра мавҳум ва умумийликка асаоланган ҳодисадир. Нутқ эса конкрет ва хусусийлик белгилари билан йўғрилган мавжудликни тақозо этади. Аксарият белгилар тилда кўп маънолидир. Нутқда эса ҳар бир белги (тил белгиси) ёлғиз бир маънода қўлланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Соссюр тилда белгилар маълум бир мажмуа сифатида мавжуд бўлишини ва бундай мажмуани ассотсиатсия деб номлаш лозимлигини, улар нутққа кўчирилгач, тўғри, яъни горизонтал чизик бўйлиб қўлланилиб синтагматик қаторни ташкил этишини айтади. Тил белгилари мажмуалари эса вертикал чизикда жойлашини илмий асослаб беради.

Бироқ бугунги тилшуносликда Соссюр ишлатган “ассотсиатсия” термини “парадигма” термини билан алмаштирилган. Мазкур термин истеъмолга Копенгаген тилшунослик мактаби вакиллари томонидан киритилган. Бироқ “ассотсиатсия” ва “парадигма” терминларининг номлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, улар мазмунан фарқ қилмайди. Демак, парадигматика тушунчаси тил белгиларининг вертикал қатордаги ҳолати билан узвий боғланади.

Тил белгилари система доирасида турли хил парадигмалар шаклида яшайди. Бунга унлилар парадигмаси, ундошлар парадигмаси, тил олд қатор, орқа қатор унлилари парадигмалари, жарангли ва жарангсизлар парадигмаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Парадигмалар микро- ёки макро- ҳолатда бўлади. Тил системасидаги товушлар мажмуаси макропарадигма бўлса, унли ва ундош товушлар унга

нисбатан микропарадигмаларни ташкил этади. Улар ҳам, ўз навбатида, яна микропарадигмаларга бўлинади ва ҳ.к.

Тил белгилари парадигмаларининг жойлашиш ўрни парадигматик қатор деб номланади ва улар синтагматик қаторга нисбатан қилибўрганилади. Синтагматик қаторда тил белгилари бир-бирлари билан муносабатга киришади ва бундай боғланишни синтагматик муносабат деб номланади.

Синтагматик қаторда тил белгилари гап бўлаклари тарзида қўллана бошлайди. Парадигматик қаторда эса улар сўз туркумланини ташкил этади. Ана шунинг ўзи ҳам тил билан нутқ нафақат ўзаро мустаҳкам боғланган ҳодисалар тарзида, балки бир-бири билан қарама-қарши ҳодисалар сифатида ҳам ўрганилиши лозимлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Ф.де Соссюрнинг лингвистик таълимоти муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва у жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб ўрганилаётганини кўрамыз. Унинг таълимоти заррача бўлсада ҳозир ҳам эскиргани йўқ.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Соссюр “тил ва нутқ” дихотомиясини илмий асослаб берган бўлса ҳам, у ўз ҳаёти давомида, асосан, тил ҳодисалари билан боғлиқ масалалар билан шуғулланди, нутққа тегишли муаммолар эса ҳозирги тилшунослигимизда секин-аста тадқиқотлар кун тартибига қўйилмоқда. Шу боис бу соҳада тадқиқот ишлари ҳам том маънода эндигина бошланмоқда.

Энг муҳими шундаки, Соссюр жаҳонда биринчи бўлиб нутқ лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ўрганилмоғи лозимлигини илмий асослаб берган эди. Нутқ лингвистикасининг тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврига келиб кун тартибига қўйилаётгани эса давр талаби билан бевосита боғлиқдир, зотан, фанимизнинг бугунги ривожланиш босқичи шуни тақозо этмоқда. Аммо шуни ҳам айтиш лозимки, нутқ лингвистикаси тил лингвистикасини мутлақо инкор этмайди. Чунки тилшунослик фани ягона бўлиб, тил лингвистикаси унинг бир қиррасини тақозо этса, нутқ лингвистикаси унинг иккинчи қиррасини ташкил этади. Бу ҳақда Соссюр Женева университетига талабаларга маъруза ўқиётганида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Тилшунослик ягонадир, жаноблар! Сизларга фақат шуни айтмоқчиманки, тилшунослик шуғулланадиган соҳа жуда кенгдир. Аниқроғи, у икки қисмдан ташкил топган бўлиб, унинг биринчи қисми тилга яқин ва у нофаол (пассив) захирани ташкил этади. Иккинчи қисми эса нутққа яқин бўлиб, у фаол кучни тақозо этади” [2,206].

Ана шунинг ўзи ҳам Соссюр тилдан нутқни ажратиб қўйган, деган олимга нисбатан айтилган танқидий мулоҳазаларнинг пуч эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, талабаларнинг қўлёзма конспектлари асосида Ш.Балли ва А.Сеше томонидан тайёрланиб нашр этилган Соссюрнинг “Умумий тилшунослик курси” (рус тилида 1977 йилда чоп этилган) асарида келтирилган баъзи жумлалар Соссюрга тегишли эмаслиги сўнгги йилларда маълум бўлиб қолди. Масалан, Соссюр номи билан талқин ва

танқид этилиб келаётган қуйидаги мулоҳаза фикримиз далили бўла олади: “Тилшуносликнинг ягона ва ҳаққоний объекти ўз қобиғида ва ўзи учун фаоллик кўрсатувчи тилдир”. Бу жумла асарга қандай кириб қолганлиги бизга номаълум. Бироқ унинг муаллифи Соссюр эмаслиги исботланди [3,17].

1974 йилда Шарл Баллининг ўқувчиси Р.Годелнинг шогирди Рудолф Енглер томонидан Соссюрнинг ўз қўлёзмалари ҳамда унинг оила аъзолари ёрдами билан нашр этилган олимнинг “Умумий тилшунослик курси”да биз Балли ҳамда Сече томонидан нашр этилган асарда йўлқўйилган кўплаб камчиликларнинг тузатилганини кўрамиз, зотан, Енглер (бунга Годелнинг ҳам хизматлари катта бўлган) ишончли материалларга асосланган [4,7-28].

Р.Енглер нашр эттирган мазкур асар рус тилида “Заметки по общей лингвистики” номи билан 1990 йилда чоп этилди.

Мавзу бўйича саволлар

1. Ф.де Соссюрнинг лингвистик концепсияси асосини нима ташкил этади?
2. Тилнинг система эканлигини қандай тушунасиз?
3. Тил системаси нималардан ташкил топади?
4. Тил белгисининг ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларини изоҳлаб беринг.
5. Нега фонема белги ҳисобланмайди?
6. Белгининг томланиши эркинлигини қандай тушунасиз?
7. Тил ва нутқ лингвистикаларини қай тарзда фарқлайсиз?
8. Соссюрнинг қандай асарини биласиз?

Таянч сўз ва бирикмалар

Дохотомия, система, белги, парадигматика, ассотсиятсия, синтагматика, ифодаловчи, ифодаланувчи.

Адабиётлар

1. Соссюр Ф.де Труды по языкознанию.- М., 1977.
2. Соссюр Ф.де Заметки по общей лингвистике.- М., 1990.
3. Слюсарева Н.А. О заметках Ф.де Соссюра по общему языкознанию // Ф.де Соссюр. Заметки по общей лингвистике.-М., 1990.
4. Ferdinand de Saussure. Cours de linguistique generale. Edition Critique. Par Rudolf Engler.- Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1974.
5. Балли Ш. общая лингвистика и вопросы французского языка.-М., 1955.
6. Солнцев В.М. Язык как системно – структурное образование. – М., 1971.

Л.Блумфилднинг лингвистик қарашлари ва дескриптив тилшунослик ҳақида маълумот

Ҳозирги жаҳон структурализмнинг асосий таянч манбаларидан бири Америка дескриптив тилшунослиги саналади. Унинг машҳур намояндлари жумласига биринчи навбатда Франс Боас (1858-1942), Эдуард Сепир (1884-1939) ва Леонард Блумфилдларни (1887-1949) киритамиз.

Ф.Боас Германияда туғилади ва у ерда университетни тамомлайди. У эскимослар ва индуслар тилларини ўрганишга қизиқади ва бунга тўлиқ эришади.

Ф.Боас америкалик индуслар тилини ўрганиш жараёнида ҳинд – оврўпа тилшунослигида қўлланиб келаётган тил материалининг таҳлили усуллари индуслар тилини тадқиқ этиш учун яроқсиз, деган хулосага келади. Бунинг асосий боиси индуслар тилининг ҳали ёзуви (алифбоси) йўқлиги ҳамда унинг қандай тиллар билан қариндошлиги ҳам ноанаиклигида эди. Шу сабабли бу ўрганиш учун янгича методлар лозимлигини таъкидлайди ва шу мақсадда “Америка индуслари тиллари учун қўлланма” (1911-1922) деб номланувчи асарини ёзади.

Боас аънаналари Э.Сепир ҳамда З.Блумфилдлар томонидан давом эттирилади. Э.Сепирнинг лингвистик ғояси тил билан халқнинг турмуш даражаси, маданияти боғлиқлиги, тил ҳодисалари билан ижтимоий ҳодисаларнинг алоқадорлиги масалалари доирасида шаклланади. Бу ҳақда ёзилган унинг “Тил” (1921) деб номланувчи асари мавжуд.

Леонард Блумфилд Америкадагина эмас, балки бутун жаҳонга машҳур тилшунослардан бири бўлиб, у ўзининг “Тил” деб аталувчи асари билан катта обрў қозонади. Бу асар америка тилшунослигида оврўпада Соссюрнинг лингвистик ғоялари қандай шуҳрат қозонган бўлса, шундай эътиборга моликдир.

Асар Америкада тилшунослик фанининг барча соҳаларида асосий қўлланма бўлиб қолиши билан бирга, дескриптив тилшуносликнинг шаклланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Тилшунослик фанининг бу йўналиши Америкада қарийб чорак аср устувор аҳамият касб этади. Асарда дескриптивизмнинг асосий ғоялари ўз аксини топганини кўрамыз. Шунинг учун америкалик структуралистларнинг барчаси Блумфилдни ўз устози деб билишади.

Блумфилднинг “Тил” номли асарида қуйидаги масалалар тавсифи устувор аҳамият касб этади ва улар олимнинг асосий лингвистик концепсиясини ташкил этади:

1. Доимий равишда содир бўлувчи тилдаги товуш ўзгаришларини ўрганиш.

Блумфилд тилшунослик фани тараққиётини ана шу товушлар ўзгаришининг доимийлигида кўради ва бу унинг лингвистик назариясининг асоаий механизмини ташкил этади.

Блумфилднинг лингвистик қарашларида **стимул** ҳамда **реаксия** тушунчалари муҳим аҳамият касб этади. Стимул деганда олим сўзловчининг нутқидан олдин рўй берувчи барча ходисаларни тушунади. Бошқача айтганда, стимул – бу сўзловчига таъсир этувчи ва уни сўзлашга ундовчи воқеа-ходисалардир. Реаксия эса тингловчига дахлдор бўлган воқеа-ходисаларни тақозо этади. Масалан, сўзловчи нутқининг тингловчида реаксия ҳосил қилиши асарда стимул С белгиси билан, реаксия эса Р белгиси билан кўрсатилади.

Стимул ва реаксия тушунчалари тил ва нутқ ходисалари билан ҳам маълум даражада алоқадордир. Бироқ Блумфилд нутқни бошқарувчи механизм ўта мураккаблигини, бу масалани ўрганиш тилшуносларнинг қўлидан келмаслигини, мазкур масала билан физиолог ҳамда психологлар шуғулланиши лозимлигини айтади.

2. Тил ходисалари талқинига психологик тушунчаларни аралаштирмаслик.

Блумфилд тил ходисаларининг психологик нуқтаи-назардан ўрганилишига қарши эди. Олим лингвистик тадқиқотларга психологик қоидаларни аралаштирмаслик лозимлигини таъкидлайди ва лингвистика ўз ички имкониятлари доирасида иш кўриши лозимлигини айтади.

3. Илмий дескриптив йўналишни асослашда иш кўрса, шу сингари методлар воситасида ўрганиш тарафдори эди. Шунинг учун лингвистик тавсиф аниқ терминларга таяниши лозимлигини айтади. Бундан ташқари, унинг илмий концепсиясида тилшуносликда эришилган ҳар қандай ижобий хулоса лингвистик ўз аксини кўрсата билиши кераклиги алоҳида таъкидланади. Бу мақсадда олим металингвистика масаласига эътибор қаратади ва бунда тил билан метатилни фарқлаш лозимлигини айтади. Метатил – бу бирор тилни тавсифлаш ҳамда тадқиқ этишга хосланган тилдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Блумфилд лингвистик назариясининг асосий механизмини морфема ташкил этади. Сўз тушунчаси унинг

тадқиқот ишларида қарийб қўлланилмайди. Бошқача айтганда, унинг лингвистик таълимотида жумла асосий текширув объекти бўлса, морфема асосий таҳлил бирлигидир.

Блумфилднинг лингвистик концепсиясида дистрибутив таҳлил, гапнинг бевосита иштирокчилар ҳамда трансформатсияга асосланган дейиш мумкин.

4. Маъно критерияси.

Санаб ўтилган масалалар ичида маъно критерияси ўзига хос аҳамият касб этади. Олим одатда маъно деганда сўзловчи бераётган хабарнинг тингловчи томонидан тушуниши тўлақонли эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, маъно семиозиснинг (инсоннинг семиотик фаолиятининг) барча томонларини ўзида мужассам этмоғи лозим. Маъно нутқнинг қуйидаги уч шакли муносабатини тақозо этади: а) муайян нутқ шаклининг бошқа нутқ шакллариغا муносабати; б) нолингвистик муҳитга муносабат (предмет ва ходисалар); с) нутқий фаолиятга қатнашаётган шахсларга муносабат.

Бироқ юқоридагилар билан бир қаторда, Блумфилд мазкур шаклларнинг ҳар бирини илмий нуқтайи назардан аниқ қилиб ифодалаш қийин эканлигини эслатади. Амалда эса тилшунослар сўзловчи ва тингловчининг қандай муҳитда мулоқот қилишаётганига қараб маъно салмоғини аниқлайдилар. Масалан, **олма** сўзини олайлик. Мазкур сўзни фақат мева тарзида тушуниш илмий жиҳатдан камлик қилади. Чунки бунда олманинг нави, пишган ёки хомлиги, ранги ҳамда қайси турга кириши назардан четда қолади. Бундан ташқари, Блумфилд кўршапалакни немислар **сичқон** (Фледермаус) деб, китни эса **балиқ** (Walfisch) деб аташини мисол келтиради. Аслида эса кўршапалак сичқон эмас, кит ҳам балиқ эмас.

Кўринадикки, амалда қўлланиладиган маъно лингвистик маънодан фарқланади. Шунинг учун Блумфилд лингвистик маъно сўзлар ўртасида семантик аҳамият касб этувчи дифференциал белгиларга асосланиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи тилшунослар Блумфилд маъно аҳамиятини инкор этади дейдилар. Бизнингча, бу нотўғри чунки олим маъно қўлланишининг ҳар қандай шаклини эмас, балки соф лингвистик маънони назарда тутди.

Блумфилднинг лингвистик концепсиясида лингвистика фақат сўзлашувчилар учун умумий бўлган фонемаларни, грамматик категорияларни ва луғатларни ўрганиши мумкинлиги, нутқ муаммолари эса фанимиз имкониятларидан четда эканлиги айтилади. Албатта, бу фикр билан қўшилиш қийин. Аммо олим тил билан нутқ муносабатига оид муаммоларни тўғри талқин этади.

Олимнинг грамматика бобидаги тадқиқотлари, асосан, синтаксисга тааллуқли бўлиб, унда асосий эътибор сўз бирикмалари тавсифига, гапнинг бевосита иштирокчи унсурлари таҳлиliga қаратилади. Бундан ташқари, қисман бўлса-да, трансформатсион методга замин яратади.

Блумфилднинг “Тил” асари 18 бобдан иборат бўлиб, у русча таржимасида 559 бобни ташкил этади. (1968).

Айтиш лозимки, Блумфилднинг лингвистик концепсияси, унинг баъзи жиҳатларини ҳисобга олмаганда, бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Мавзу бўйича саволлар

1. Ф.Боаснинг қандай асарини биласиз?
2. Э. Сепир ўзининг “Тил” асарида қандай ғояни олға суради?
3. Л.Блумфилднинг “Тил” асари қачон ёзилган?
4. Дескриптив тилшуносликнинг асосий мақсади нимадан иборат?
5. Л.Блумфилднинг лингвистик концепсияси асосий тамойиллари нимадан иборат?
6. Блумфилднинг “Тил” асари неча бобдан ташкил топган ва у қачон рус тилига таржима қилинган?

Таянч сўз ва иборалар:

Дескриптив тилшунослик, стимул, реакция, дистрибуция, бевосита иштирокчилар методи, трансформацион метод.

Адабиётлар

1. Блумфилд Л. Язык.-М., 2002.
2. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику.-М., 1974.
3. Березин Ф.М. История лингвистических учений.-М., 1975.
4. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику.-М., 1959.

Структур тилшунослик методлари Дистрибутив таҳлил методи

Дистрибутив таҳлил методи тил унсурларининг структур таҳлилинини мақсад қилиб олган америкалик тилшунослар томонидан жорий этилади. Бу методга аслида Л.Блумфилд асос солган эди. Бироқ унинг асосий тамойиллари З.Харриснинг “Структурал тилшунослик методлари” деб номланувчи асарида мукамал ёритиб берилди. Мазкур асар 1951, 1961 йилларда икки марта нашр қилинади.

Ўтган асрнинг 40-60 йиллари давомида Америкада тилшунослик фани дескриптив йўналишнинг кучли таъсирида бўлади ва шу боис Харриснинг асари қайта нашр этилади. Лекин бу мазкур асрнинг дистрибутив метод таҳлиliga бағишланган ягона манба эканлигини кўрсатмайди. Ҳозирги пайтда дистрибутив таҳлилga бағишланган бошқа асарлар ҳам мавжуд, албатта. Аммо З.Харриснинг мазкур асари дистрибутив таҳлилларнинг асосий тамойилларини ёритиб берганлиги билан қимматлидир.

Дистрибутсия сўзи инглиз тилида “қуршов” деган маънони англатади. Шунинг учун дистрибутив таҳлилнинг асосий воситаси тил бирликларининг, хусусан, фонема, морфемаларнинг реал қўлланиши қуршовини ўрганишдан иборатдир. Бошқача айтганда, дистрибутив таҳлил методи тил бирликларининг бир-бирлари билан қандай қуршовда муносабатга кириша олиши масаласи тавсифи билан шуғулланади. Масалан, фонологик қуршовда фонемаларнинг, морфологик қуршовда морфемаларнинг горизонтал чизиқда қай тарзда бирика олиши масаласи талқини берилади.

Дистрибутсиянинг уч асосий тури бўлиб, улар қуйидагича номланади: 1. Қўшимча дистрибутсия. 2. Контраст дистрибутсия. 3. Эркин алмашинув дистрибутсияси.

1. Қўшимча дистрибутсия деганда, тилнинг икки бирлиги бир хил қуршовда кела олмаслигини тушунамиз. Масалан, инглиз тилида феълнинг ўтган замон шакли – ed морфемаси ёрдамида ясалиши ва унинг (– ed морфемасининг) турли қуршовларда турлича талаффуз этилиши бунга мисол бўлиши мумкин:

1. Жарансиз ундошлардан сўнг [t] деб ўқилади: worked, passed.

2. [t] ва [d] фонемалардан сўнг [-id] тарзида ўқилади: wanted, balded.

3. Бошқа қуршовларда [d] тарзида ўқилади: studied.

Келтирилган мисолларда бир морфеманинг уч хил алломорфи борлигини ва улар бирининг ўрнида иккинчиси ишлатилмаслигини кўрамиз. Мазкур ҳолат қўшимча дистрибутсия деб аталади.

Қўшимча дистрибутсияга ўзбек тилидаги –ган морфемасининг –ган, –кан алломорфларининг кўринишида қўлланиши ҳам мисол бўлиши мумкин: келган, кўрган, боққан, кўрққан, эккан, теккан ва ҳ.к. Бу мисолларда берилаётган –ган, –қан, –кан унсурлари бирининг ўрнига иккинчиси қўллана олмайди.

Бундай дистрибутив ҳолатни қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин: айтти (-ди), кетти (-ди). Бироқ ёзди, кўрди, олди каби сўзларда –ди аффиксини алломорфи билан алмаштириш мумкин бўлмайди.

2. Икки ёки ундан ортиқ тил бирлигининг бир хил қуршовда қўлланиб турлича маъно ифодалаши контраст дистрибутив дейилади. Масалан, ўзбек тилида –га, –да, –дан морфемалари бир хил ўзакка қўшилишидан қатъий назар, маънолари ва қўлланиш мақсадларига кўра фарқ қилади: мактабга, мактабда, мактабдан ва ҳ.к.

Контраст дистрибутивда бир хил қуршовда келиши мумкин бўлган тил бирликлари ифода материалга кўра фарқ қилади. Лекин бирининг ўрнига иккинчиси қўлланганда улар маъно ўзгаришини содир этади. Масалан, к, н фонемаларининг ҳар иккиси ҳам қуйи кенг о товушидан олдин ҳам, кейин ҳам қўлланиши мумкин, аммо уларнинг ўзаро ўрин алмашиши семантик планда ўзгариш ясайди: кон – нон – нок.

3. Тил бирликлари маънога таъсир этмай қўлланиши қуршовига кўра муштарак бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, тилнинг икки ёки ундан ортиқ бирлиги бир хил қуршовда келиб, маъно ўзгариши содир этмаса,

бундай дистрибутсия эркин алмашинув дистрибутсияси деб аталади. Масалан: John'ғ book – The book of John.

Эркин алмашинув дистрибутсиясига ўзбек тилида зичланмоқ-зичлашмоқ, нонпаз-новвой, тавозе-тавозу-тавозй кабилар мисол бўла олади.

Рус тилидан мисол келтирамиз: землей, землёю, лошадьми, лошадыми. Бунда –ёй, -ёю, -ями, -ьми морфемалари бирининг ўрнига иккинчиси қўлланиши жараёнида маънога таъсир этилмаяпти.

Проф. Ф.М.Березин америкалик структуралистларнинг дистрибутив методи бирор салмоқли натижага эриша олмаганини ва бунда маъно тушунчасига эътибор берилмаганини таъкидлайди. Бизнингча, дистрибутив таҳлил методининг маълум даражадаги нуқсонлари бўлса ҳам, унинг тил материалининг структур талқини учун қулайлик томонлари ҳам мавжуд. Унинг ёрдамида тилнинг фонологик сатҳида фонемаларнинг аллофонлар билан, морфологик сатҳида эса морфемаларнинг алломорфлар билан қўшимча дистрибутсияда, контраст ва эркин алмашинув дистрибутсияларида келиши билан боғлиқ бўлган барча масалаларни талқин этиш мумкин.

Бу ўринда рус тилшуноси Л.Н.Засоринанинг куйидаги мулоҳазаларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Дистрибутив таҳлил тамойиллари катта илмий аҳамиятга эгадир. Биринчи галда нутқ бирликларни қиёслаб ўрганишда буни бемалол кузата оламиз” (169).

Дистрибутив таҳлилда тил унсурларининг синтагматик қаторда қай даражада ўринлашиши хусусида қимматли маълумотлар олиш мумкин. Лекин унинг заиф томонлари ҳам бор, албатта. Масалан, мазкур метод орқали синтагма ёки сўз бирикмаларининг ўзаро қуршов муносабатларини таҳлил қилиш қийин. Бошқача айтганда, бу методни синтактик структураларга қўллаб бўлмайди. Шу муносабат билан дескриптив тилшуносликда янги таҳлил методи – бевосита иштирокчилар методини жорий этишга эҳтиёж туғилди.

Мавзу бўйича саволлар

1. Дистрибутив таҳлилнинг асосий тамойиллари кимнинг “Структурал тилшунослик методлари” деб номланувчи асарида ёритиб берилган?
2. Дистрибутив таҳлил нимани тақозо этади?
3. Дистрибутсиянинг неча турини биласиз?
4. Қўшимча дистрибутсия тушунчасини изоҳлаб беринг.
5. Контраст дистрибутсия деганда нимани тушунаси?
6. Эркин алмашинув дистрибутсияси қандай тамойилга асосланади?
7. Дистрибутив методининг қандай заиф томонлари мавжуд?

Таянч сўз ва бирикмалар

Дистрибутсия, кўшимча дистрибутсия, контраст дистрибутсия, эркин алмашинув дистрибутсияси, аллафон, алламорф.

Адабиётлар

1. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику.-М., 1974.
2. Березин Ф.М. История лингвистических учений.-М., 1975.
3. Глисон Г.Введение в дескриптивную лингвистику.-М., 1959.
4. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш.- Самарқанд, 1989.
5. Бўронов Ж.Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси.- Тошкент, 1973.

Гапни бевосита иштирокчиларга бўлиш методи

Гапнинг бевосита иштирокчиларга бўлиниши методини лингвистик адабиётларда қисқа қилиб бевосита иштирокчилар (БИ) деб юритишади. Шу боис мазкур ишда биз ҳам БИ қисқартмасидан фойдаланамиз.

Америка структурал тилшунослигида З.Харрис томонидан илмий асосланган дистрибутив таҳлил усулининг баъзи нуқсонлари мавжудлиги, масалан, жумлани сегментларга ажратиб таҳлил қилишда сезиладиган заифлик томонлари, тилшуносларни янги таҳлил методларини жорий этишга ундади. Бундай таҳлил методларидан бири бевосита иштирокчилар таҳлили методидир.

Мазкур метод ҳақида дастлабки маълумот Л.Блумфилд томонидан унинг “Тил” асарида берилган эди. Бироқ БИ таҳлилининг мукамал тавсифи америкалик тилшунослар Р.Уэллз ҳамда Э.Найдаларнинг тадқиқот ишларида ёритилди.

БИ таҳлили методини дистрибутив таҳлил методининг бевосита давоми деб билиш мумкин. Чунки дистрибутив таҳлил усули ҳам ўзининг кейинги тараққиёти босқичларида нафақат фонема ва морфемаларнинг, балки сўзларнинг ҳам синтагматик қатордаги ўзаро муносабатини, уларнинг нималарга асосланганлигини кўрсатиб бера олган эди. Буни қуйидагиларда кузатиш мумкин:

Жуда чиройли = Б (равиш) + А (сифат).


Жуда чиройли сарой = БАН.

Бунда асосий морфема сарой (Н) ҳисобланади. Чунки ундан олдин келаётган равиш ҳам, сифат ҳам уни изоҳлаш учун қўлланмоқда. Демак, бу ўринда Н ҳокаим унсур саналади ва шу боис Б ва А аниқловчиларини талаб қила олади. Бу эса формулага қуйидаги тартибда ўзгариш киритишни тақозо этади: $БА = Н$.

Ана шу тарзда бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлган тил унсурлари боғланишидан нисбатан каттароқ синтагматик бутунлик ҳосил бўлади.

БИ методи воситасида берилган гап дастлаб иккита сегментга (бўлакка) ажратилади. Бу сегментларнинг ҳар бири, иккинчиси билан боғлиқ бўлишидан ташқари, ўз сатҳида бир неча бевосита иштирокчи унсури бирлаштирган бўлади. Таҳлилнинг иккинчи босқичида аввал ажратилган БИ унсурлар яна иккига бўлинади ва ана шу тартибда ажралмайдиган унсурлар қолмагунча таҳлил давом эттирилаверади. Мисол келтирамиз: Валининг кичик укаси / биз билан ўқийди Валининг // кичик укаси / биз билан // ўқийди Валининг // кичик /// укаси / биз /// билан // ўқийди

Айни пайтда гапнинг БИ методга кўра таҳлилини горизонтал чизик асосида кўриб ўтдик. Бундан ташқари, БИ таҳлили вертикал чизик асосида ифодаланиши ҳам мумкин:



Валининг кичик укаси биз билан ўқийди

Ҳар иккала чизик асосидаги таҳлил учун бир хил формулалардан фойдаланилади:

П = гап. ГН = от гуруҳи (груп.номинал).

ГВ = феъл гуруҳи (груп. вербал).

ГН = Н (от) + д (ёрдамчи восита) + Н (от).

ГВ = ГН + В (феъл). ГН = Н (олмош) + д (ёрдамчи восита).

БИ таҳлили натижаси қуйидагиларни кўрсатади: а) берилган гап бири нопредикатив, иккинчиси эса предикативли икки синтагматик бутунликдан ташкил топган; б) ҳар бир синтагматик бутунлик ўзига хос БИ унсурлари мажмуасини тақозо этади; с) синтагматик бутунликлар ичида кичик синтагматик гуруҳлар ҳам шаклланган.

Гапнинг БИ унсурларга бўлиниши юқоридаги тахлит берилса, уни БИ анализи деб аталади. Аммо зарурат бўлганда, тахлитни энг кичик БИ унсурларнинг ўзаро бирикиб катта БИ гуруҳларини ҳосил қилишидан бошлаш ҳам мумкин. Буни БИ синтези деб аталади.

Аммо мавжуд ишларда БИ тахлили мустақил гаплар материали асосида талқин этилганини кўраимиз. Бизнингча уни мураккаб синтактик қурилма материалига ҳам бемалол тадбиқ этиш мумкин. Фикр исботи учун қуйидаги мураккаб синтактик қурулманинг БИ тахлилига эътибор берайлик:

Баҳор келди ва гуллар очилди.


Келтирилган мураккаб синтактик қурилманинг тахлили биринчи босқичида икки мустақил гап ажратилади. Буни формула асосида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$P_{\text{хс}} = P_1 + C + P_2$.

Тахлитнинг сўнгги босқичида эса мустақил гапнинг БИ тахлилига таянилади:

$P_1 = N + V$; $P_2 = N + V$.

Тахлит вертикал чизиқ асосида олиб борилганда қуйидаги шажара вужудга келади:



Баҳор келди гуллар очилди.


Шундай қилиб, БИ тахлили методи анъанавий синтактик тахлит усулидан кескин фарқланишини ва гап структурасининг грамматик шаклланишини мукамал даражада аниқ ифодалашини кўраимиз. Бундан ташқари, БИ методи ёрдамида жумла мазмунидаги ноаниқлик ва чакашликларни бартараф этиш мумкин:

Казнить нельзя помиловать.

Мазкур гапни икки хил тушунса бўлади:

1. Ўлдириш керак эмас, шафқат қилсин.
2. Ўлдириш керак, шафқат қилинмасин.

Мазкур маънодаги гапларнинг шажаралари



Казнить нельзя, помиловать.

Казнить, нельзя помиловать.

Келтирилган жумлаларнинг маъно ифодасидаги чалкашлик нутқ жараёнида оҳанг воситасида бартараф этиши мумкин. Бироқ ёзувда тиниш белгиси ишлатилмайдиган бўлса уни тузатиш анча қийин кечади. Шу боис бундай вазиятда БИ таҳлили усулининг мавқеи янада ошади.

БИ таҳлили усулининг ҳам баъзи нуқсонлари мавжуд. Улар жумласига бир йўла икки ва ундан ортиқ мустақил гапларни таҳлил этиб бўлмаслигини киритиш мумкин. Бироқ мазкур камчиликлар трансформацион таҳлилда ўз-ўзидан барҳам топади.

Трансформацион метод

Америка структурализмида БИ таҳлили методининг баъзи заиф томонларини бартараф этиш ва тўлдириш мақсадида трансформацион метод кашф этилди.

БИ таҳлили методининг қуйидаги нуқсонлари янги методнинг яратилиши учун зарурат туғдиради:

1. БИ таҳлили методи гапларнинг маъно жихатига кам эътибор беради, зотан, у таҳлил учун берилган жумланинг иштирокчи унсурлари ўртасидаги синтактик алоқаларни кўрсатиб беради, холос.

2. БИ методига кўра берилган жумла тайёрлигича таҳлил қилинади. Масалан, актив шаклдаги гап берилган бўлса, унинг пассив шаклдаги қурилма билан алоқасини очиб бера олмайди.

3. БИ таҳлили методи синтактик нуқтайи назардан ички туб структурани топиш ва унинг аҳамиятини кўрсатиб бериш имкониятига эга эмас.

Ана шу сабабларга кўра трансформатсион метод жорий этилди. Унинг муаллифлари З.Харрис («Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре», 1957) ва Н. Хомскийлар («Синтактик структуралар», 1957) ҳисобланади.

Трансформатсион метод дистрибутив ҳамда БИ таҳлили методларининг барча ютуқларини ўзида мужассамлаштиради ва шу билан бирга, қуйидаги шартлари мавжудлиги билан муҳим аҳамият касб этади:

1. Муайян таянч структурага асосланади.
2. Берилган гапнинг маъносини тўлиқ сақлагани ҳолда синтактик шаклини ўзгартиради.
3. Таҳлил жараёнида жумланинг маъносига таъсир этмайдиган лексик ўзгаришлар ясай олади. Масалан, жумлага бирор сўзнинг қўшилиши ёки туширилиши:

Аҳмад китоб ўқияпти – Аҳмаднинг китоб ўқиши – китобнинг Аҳмад томонидан ўқилиши.

Трансформатсиянинг турли хил турлари мавжуд бўлиб, улардан номинализатсия трансформатсияси, актив қурилманинг пассив қурилмага айланиши трансформатсияси, алмашинув трансформатсияси (субститутсия), контаминатсия ҳамда конверсия трансформатсиялари кўп қўлланади.

1. Номинализатсия трансформатсияси:

Дарс бошланди – Дарсинг бошланиши = Н + В – Н1 + Н2.

2. Актив қурилманинг пассив қурилмага айланиши трансформатсияси:

Бинокорлар уй курдилар – Уй бинокорлар томонидан қурилди: Н1 + Н2 + В – Н1 + Н2 + д + В.

3. Алмашинув (субститутсия) трансформатсияси: Отец и мать работают в школе – Родители работают в школе: Н1 + д + Н2 + В + д + Н3 – Н1 + В + д + Н2.

4. Контаминатсия трансформатсияси :

Ўртага жимлик чуқди + У боягидан ҳам ноқулай эди = Ўртага боягидан ҳам ноқулай жимлик чуқди:

$N1 + N2 + B - N1 + N2 + d + B = N1 + N2 + d1 + d2 + N3 + B.$

5. Конверсия трансформатсияси:

Қизнинг бу дадил гапи ноқулайликка барҳам берди – Қизнинг бу дадил гапидан ноқулайлик барҳам топди:

$N1 + d1 + d2 + N2 + N3 + B - N1 + d1 + d2 + N2 + N3 + B.$

Трансформатсия қилиш учун берилган гап базал (асос) структура, ҳосила (трансформатсия натижаси) эса трансформа деб аталади.

Трансформатсия жараёнида мавҳум маъноли синтактик қурилмалар, нутқ вазияти билан мос ҳолда, аниқ маъно касб этиши мумкин:

Приглашение профессора – Invitation de professeur: Н1 + Н2.

1. Профессора кто - то приглашает: Н1 + Н2 + В.

2. Профессор кого – то приглашает: Н1 + Н2 + В.

Шундай қилиб, трансформатсион метод дистрибутив ва БИ таҳлили усулларида тубдан фарқ қилишини кўрамиз, зотан унинг ёрдамида сўз бирикмалари ва гап структурасининг синтактик шаклланиши бошқа гаплар ва бирикмалар билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Гапнинг бевосита иштирокчиларга бўлиниши методини кимлар асослаган?
2. Бевосита иштирокчилар методининг асосий тамойилларини изоҳлаб беринг.
3. Бевосита иштирокчилар методи бўйича анализ ва синтез усулларини амалда қўллай оласизми?
4. БИ таҳлилининг горизонтал ва вертикал режалар бўйича қўлланишини изоҳланг?
5. БИ таҳлилининг қандай ютуқлари ва нуқсонлари бор?
6. Трансформатсион таҳлилнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
7. Трансформа деганда нимани тушунасиз?
8. Трансформатсиянинг қандай турларини биласиз?
9. Трансформатсиянинг ҳар бир турини амалда қўллай оласизми?
10. Трансформатсион методни кимлар илмий асослаган?
11. Трансформатсиянинг ютуғи нимадан иборат?

Таянч сўз ва бирикмалар

Бевосита иштирокчи, анализ, синтез, вербал гуруҳ, номинал гуруҳ, горизонтал анализ, вертикал анализ, трансформатсия, номинализатсия, субстутутсия, контаминатсия, конверсия, трансформа.

Адабиётлар

1. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959.
2. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. – М., 1968.
3. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент, 1973.
4. Хомский Н. Синтаксические структуры // Новое в лингвистике, вып. 2. – М., 1962.
5. Турниёзов Н. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1989.
6. Сова Л.З. Аналитическая лингвистика. – М., 1970.
7. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1970.
8. Березин Ф.М. История лингвистических учений. – М., 1975.

И.Элмслевнинг лингвистик қарашлари. Глоссематика

Копенгаген тилшунослик тўғараги 1931 йилда фонологик муаммолар ва умуман, тил структурасини мукамал ўрганиш мақсадида даниялик олимларни бирлаштирди. Бу тадбирнинг асосчилари В.Бруёнда (1887-1942), Х.Улдалл (1907-1957) ва Зуи Элмслевлар (1899-1965) эдилар.

Мазкур тўғарак 1934 йилдан бошлаб “Bulletin du Cercle linguistique de Copenhague” номи билан аталувчи журнал нашр эта бошлади. Бу журнал 1939 йилдан “Acta linguistica” деб аталди.

Мазкур тилшунослик мактабининг асосий мақсади тил структурасини янгича методлар воситасида ўрганишдан иборат эди. Бунга Бруёнданинг 1939 йилда чоп этилган “Структур тилшунослик” деб номланувчи мақоласи дастлабки туртки бўлади.

Копенгаген тилшунослик мактаби Глоссематика номи билан машҳурдир. Глоссематика сўзи грекча (грек тилида глоссема - сўз) бўлиб, “тил” деган тушунчани тақозо этади. Глоссематика оқимининг намояндalари унча кўп бўлмаса ҳам, у жаҳон тилшунослиги оламида жуда тез танила бошлади ва ўзига хос обрўга эга бўлди.

Глоссематиканинг кўзга кўринган вакилларида бири Х.Улдалли ўзининг “Глоссематика асослари” номли асрида (1957) мазкур мактабнинг асосий вазибалари ва тамойилларини изоҳлаб берган эди. Бироқ В. Бруёнда ҳам, Х.Улдалл ҳам Л.Элмслевчалик машҳур бўла олмадилар. Ҳар ҳолда Л.Элмслевнинг номи жаҳонда Глоссематика билан уйғунлашиб кетди.

Л.Элмслевни жаҳон тилшунослигида бугунги кунда ҳам Глоссематиканинг етакчи вакили сифатида тан оладилар. Л.Элмслев глоссематик ғоялар билан суғорилган бир неча асарлари билан машҳур бўлди. Мазкур асарлар қуйидаги номлар билан аталади:

1. Умумий грамматиканинг тамойиллари. Бу асар 1928 йилда чоп этилади ва унда глоссематиканинг назарий асослари белгилаб берилади.

2. Сабаб категорияси (La categorie des eas). мазкур асар 1935-1937 йиллар давомида ёзилади. Бу асарда асосий эътибор келишиклар муносабати таҳлилига қаратилади ва тил материали талқини иммунент (ташқи таъсирдан холи) характердалиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

3. Бошқарув тушунчаси (1939).

4. Тил ва нутқ (1942).

5. Тилшуносликда структур таҳлил методи (1950-1951).

6. Тил назариясига кириш (Пролегомены к теории языка). Бу асрнинг Копенгагенда чоп этилган йили бизда номаълум. Уни “Новое в лингвистике” (вып. 1, 1962) журналида босилган таржимаси орқали биламиз.

Л.Элмслев тилшуносликда биринчилардан бўлиб тил материаллари талқинига математик методларни, айниқса математик мантиқ ғояларини

татбиқ этган олимдир. У тилшуносликка аниқ фанлар методларини жорий этишга ҳаракат қилади ва глоссематиканинг асосий мақсади ва вазифасини тилнинг имманент алгебрасини яратишда кўради.

Глоссематиканинг асосий мақсади барча тиллар учун бир хил бўлган умумий грамматик қоидаларни яратишдан иборат эди. Бунда тил “субстанция” (моҳият) ҳамда моддий табиатига нисбатан мавҳум ҳолда талқин этилади ва у ички муносабатлар системаси тарзида тавсифланади.

Л.Элмслевнинг тил ҳақидаги назарияси формал дедуктив системага бўйсунди. Унга кўра, бутундан қисмга қараб йўналтирилган лингвистик таҳлил бош мезон ҳисобланади. Анъанавий индуктив таҳлилда эса товушлардан фонемаларга, фонемалар категориясига, турлича хусусий маънолардан умумий маъноларга қараб силжиш кузатилади.

Л.Элмслев таълимотида дастлаб лингвистик таҳлил учун муайян матн олиниши кейинги босқичларда эса унинг сегментларга бўлиниши кўзда тутилади. Бундан мақсад тил системаси ҳақида умумий маълумот олишдан иборатдир.

Глоссематик назарияда ҳар қандай илмий лингвистик талқин куйидаги уч шартга бўйсунмоғи лозим:

1. Қарама-қаршиликлардин ҳоли бўлиш.
2. Тугалликка эга бўлиш.
3. Имкон қадар содда бўлиш.

Буни Глоссематикада эмпирик (тажрибаларга асосланган)талқин номи билан боғлайдилар.

Глоссематика вакиллари ўз назарияларини имманент тамойилларга асосланганлигини айтадилар. Мазкур тамойиллар эса, ўз навбатида, математик мантиқ қоидалари билан характерланади. Математик қоидалар тил материалини маълум бир бутунлик, яхлитлик тарзида олиб таҳлил қилишни назарда тутди ва бу усулни тил алгебраси деб атади.

Шундай қилиб, глоссематиканинг мантиқий (логик) асосида дедуктив, эмпирик ҳамда имманент тамойиллари ётишини кўради.

Глоссематикада ҳам тил материалларининг ифодаловчи ва ифодаланувчи томонларининг фарқлаб ўрганилишига эътибор берилади. Аммо бунда тилнинг ифодаловчи материални товушлар мажмуаси, ҳарфлар ва турли белгилар ташкил этиши, ифодаланувчи материал эса ҳали бўлинмаган умумий маъно бутунлигидан иборатлиги таъкидланади. Бундан ташқари, тилнинг ифодаловчи планида форма (шакл) ва субстансия фарқланиши лозимлиги айтилади. Масалан, товуш субстансияси барча фанлар учун умумий, аммо унинг қўлланиши тилларда бир хил бўлмайди. Ҳар бир тил ўз товуш системасига эга бўлади. Ёки тилнинг ифодаланувчи жиҳатига эътибор берайлик. Элмслев бунда барча тиллар учун умумийлик мавжудлигини кўради. Маъно ифодасининг материали умумийликка эга эканлиги ва уни субстансия тушуниш лозимлиги, аммо маънонинг тилларда ифодаланиши шакллари (формаси) бир хил эмаслиги таъкидланади:

Рус тилида: незнаю.

Инг. тилида: I do njt know.

Нем. тилида Ich werb es nicht.

Фр. тилида Jen e sais pas.

Келтирилган мисолда инкор маъно ифодаси рус тилида 2 та, инглиз тилида 4 та, немис тилида ҳам 4 та, француз тилида 2 та унсур орқали воқеланиши кўрсатилади.

Глоссематика тил унсурларининг таҳлили жараёнида қуйидаги уч тамойилга эътибор қаратилади:

1. Интердепеденсия.

2. Детерминатсия.

3. Констеллятсия.

1. Интердепеденсия тамойили орқали тил унсурларининг матнда ёки системада ўзаро боғлиқлиги кўрсатилади. Бунда боғлиқлик ўзаро муносабатга киришаётган унсурлар ўртасида бир хил бўлади. Бунга унлилар ва ундошлар ўртасидаги муносабатни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унлининг реал қўлланиши учун ундош қанчалик аҳамият касб этса, ундошнинг қўлланиши учун унли ҳам шунчалик зарурдир. Буни Х – У тарзида белгилаш мумкин.

2. Детерминатсия тамойилида тил унсурларининг бир томонлама боғланиши назарда тутилади. Масалан, суффикс асоснинг мавжудлигига таянади, аммо асоснинг мавжудлигига таянади, аммо асос суффиксиз ҳам қўллана олади. Буни Х – У тарзида белгилаш мумкин.

3. Констеллятсия тамойили тил унсурларининг эркин боғланишини назарда тутди. Масалан, рус тилида феълларда род ва шахс категорияларининг ифодаланишини олайлик пишу, пишешь, пишет. Бу ўринда оппозитсия йўқ. агар писал, писала десак, у ҳолда оппозитсия туғилади.

Констеллятсия тамойили тил унсурларининг Х – У тарзидаги боғланишини тақозо этади.

Шундай қилиб, Копенгаген тилшунослик мактабининг глоссематик назарияси асосий моҳияти билан қисқача танишиб чиқдик. Бу назариянинг ижобий жиҳатлари салмоқли бўлиб, улардан бугунги тилшунослигимизда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Мавзу бўйича саволлар

1. Копенгаген тилшунослик мактаби даниялик олимларни нима мақсадда бирлаштирган эди?
2. Копенгаген тилшунослик мактабининг йирик вакиллари билан кимларни биласиз?
3. Копенгаген тилшунослик мактабида “Аста лингвистика” деб аталувчи журнал қачондан бошлаб ва қайси журналнинг ўрнига чиқа бошлади?
4. Бруёндалининг 1939 йилда қандай асари чоп этилди?
5. Улдаллининг қандай асарини биласиз?

6. “Глоссематика” нима деган маънони англатади?
7. Л.Элмслевнинг қандай асарларини биласиз?
8. Л.Элмслев глоссематиканинг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини айтади?
9. Дедуктив ва индуктив методлар ҳақида маълумот беринг.
10. Глоссематик назарияда ҳар қандай илмий лисоний таҳлил қандай шартларга асосланиши лозимлиги айтилади?
11. Эмпирик талқин ва имманент тамойил деганда нимани тушунаси?
12. Интердепеденсия, детерминатсия ҳамда констеллятсия тамойиллари тавсифини беринг.
13. Л.Элмслев субстансия ва формани қандай тушунади?

Таянч сўз ва иборалар

Глоссематика, имманент, эмпирик, дедуктив, индуктив, субстансия, интердепеденсия, детерминатсия, констеллятсия.

Адабиётлар

1. Ельмслев Л.Пролегомены к теории языка // Новое в лингвистике, вып. 1. – М., 1962.
2. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1974.
3. Березин Ф.М. История лингвистических учений. – М., 1975.
4. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. – М., 1973.

В.Матезиуснинг лингвистик назарияси. Гапнинг актуал бўлаклари

Прага тилшунослик мактабида функционал таҳлил бобида муҳим тадқиқот ишлари амалга оширилди. Бу соҳада, хусусан, Н.С.Трубетской, В.Матезиус, А.Мартине каби тилшуносларнинг хизматлари катта бўлди. Тилнинг фонологик тизими бўйича Н.С.Трубетской муҳим натижаларга эришган бўлса, грамматик муаммолар бобида В.Матезиус, А.Мартинеларнинг лингвистик назариялари устувор аҳамият касб этади. Улардан айни пайтда биз В.Матезиуснинг лингвистик назарияси марказини ташкил этувчи гапнинг актуал бўлаклари муаммосига тўхталмоқчимиз. В.Матезиуснинг гапнинг актуал бўлаклари назариясини ўзининг “О так называемом актуальном члене предложения” (1947) ҳамда «Основная функция порядкслов в чешском языке» (1947) асарларида илмий асослайди (1).

Гапнинг актуал бўлаклари назарияси жумласининг муайян нутқ муҳитига муносабати муаммосига асосланиб унда асосий урғу жумланинг

асосини ташкил этувчи ҳамда хабарнинг ядросини белгиловчи унсурларга қаратилади. Бу жиҳатдан гапнинг актуал бўлаклари ёш грамматикачиларнинг психологик субъект ва психологик предикат деб номлаган тушунчалари билан жуда яқин туради. Чунки гапнинг актуал бўлаклари иккита бўлиб, уларнинг бирини В.Матезиус гапнинг бошланиш нуқтаси ёки “асос” (основа) деб, иккинчисини эса “ядро” деб номлайди. Бу ўринда асос деганда нутқ муҳити куршовида тингловчига ҳам, сўзловчига ҳам маълум бўлган гап унсури, ядро деганда эса сўзловчи асос деб номланаётган ана шу унсур ҳақида маълумот берадиган ва жумла орқали ифодаланаётган хабарнинг ядросини ташкил этувчи унсур тушунилади. Хабарнинг ядросини психологик предикат билан, асосни эга психологик субъект билан қиёслаш мумкин.

Гапнинг актуал бўлақларга бўлиниши одатдаги гапнинг синтактик таҳлилидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, формал – синтактик таҳлилда гапнинг бош бўлаклари – эга ва кесимнинг ва унинг иккинчи даражали бўлаклари – аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол кабиларнинг синтактик вазибалари тўғрисида сўз юритилади. Аслини олганда, формал – синтактик таҳлил деб аталувчи бу назария кўп жиҳатдан мантиқий қоидаларга асосланади. Гапнинг актуал бўлаклари назарияси эса, аслида у ҳам мантиқий қоидаларга асосланса-да, асосий эътиборни жумла компонентларининг коммуникатив жараёнда бажарадиган нутқий функцияларига қаратади. Масалан, Собир мактабдан келди жумласининг актуал бўлақларга бўлинишига эътибор берайлик. Бу ўринда, агар кимнинг мактабдан келганлиги назарда тутилаётган бўлса, Собир сўзи жумланинг асоси ҳисобланади ва мактабдан сўзи жумланинг саналади. Собирнинг қаердан келганлигини аниқлаш коммуникатив муҳит томонидан талаб қилинганда эса мактабдан сўзи жумланинг ядроси, Собир сўзи асоси вазибасини бажаради. Борди-ю Собирнинг нима қилганлиги хабар маркасини ташкил этадиган бўлса, у ҳолда келди сўзи ядро, Собир эса асос функциясида келади.

Кўринадикки, В.Матезиус томонидан илмий асосланган гапнинг актуал бўлаклари назарияси асосан икки термин – жумланинг асоси ва жумланинг ядроси орқали иш кўради. В.Матезиус ўзининг дастлабки тадқиқотларида жумланинг асосий термини ўрнига “тема” терминидан ҳам фойдаланган. Лекин ҳозирги тилшуносликда “асос” ўрнига “тема”, “ядро” ўрнига эса “рема” терминлари кенг қўлланилмоқда. Бунда тема хабарнинг сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам аввалдан, ҳеч бўлмаганда, нутқ жараёнида маълум бўлган қисмини, рема эса хабарнинг марказини ташкил этиши назарда тутилади.

Гапнинг актуал бўлаклари назарияси В.Матезиус таълимоти асосида рус тилшунослигида ҳам мукамал талқин этилди. Бунда профессорлар В.Гак, И.Распопов, К.Крушелнитская ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Рус тилшунослигида гапнинг актуал бўлаги таҳлилида қўлланадиган терминлар “данное” ва “новое” каби янги терминлар билан

алмаштирилди (2). Бироқ ҳозирги пайтда “тема” ва “рема” терминлари кўпроқ қўлланилмоқда.

Сўнги йилларда бу соҳада Н.Слусарева кўпроқ тадқиқот ишлари олиб бормоқда (3). Инглиз тилшунослигида эса М.Ҳеллидининг илмий кузатишлари аҳамиятга моликдир (4).

Гапнинг актуал бўлаklarини белгилашда жумла таркибида қўлланилаётган айрим сўзлар ҳам аҳамият касб этади. Бундай сўзлар, хусусан, ремани белгилашда алоҳида ўрин тутади. Масалан, Собир ҳам шу мактабда ўқийди жумласида мактаб сўзининг рема эканлиги қатъийдир. Чунки унинг олдидан қўлланилаётган шу кўрсатиш олмоши уни алоҳида таъкидламоқда. Шу боис бу жумлада бошқа сўзнинг рема вазифасида келиши имконияти чекланмоқда. Бундан ташқари, баъзи аффикслар ҳам ремани белгилашда муҳим мавқе касб этиши мумкин: Фақат Собиргина келмади.

Берилган жумлада Собир сўзи –гина аффикси воситасида мантиқий урғу олмоқда ва бу унинг хабар марказини, ядросини ташкил этаётганини кўрсатмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, гапнинг актуал бўлаklари фақат ўзлари қатнашаётган жумладагина функционал фаоллик кўрсатади. Шунинг учун маълум бир жумлада рема воситасида келаётган сўз иккинчи жумлада темага айланиб қолиши ҳам мумкин. Масалан: Комил шу мактабда ўқийди. Мактаб унга жуда қадрдон.

Биринчи гапда, албатта, мактуб сўзи рема вазифасида келмоқда. Бироқ иккинчи гапда мазкур сўз тема мавқеидадир, чунки бу гапда хабарнинг ядроси қадрдон сўзи билан белгиланади. Албатта, бундай бўлиши табиийдир, зотан, биз мулоқот жараёнида ҳар доим аниқликдан ноаниқликка қараб борамиз ва бунда хабарнинг марказидаги сўз мантиқий урғу билан белгиланиб борилаверади.

Кўринадикки, В.Матезиуснинг гапнинг актуал бўлаklари назарияси жумлакомпонентларининг коммуникатив жараёнда бажарадиган вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ана шунга асосланиб баъзи тилшунослар буни функционал таҳлил назарияси деб аташмоқдалар. Масалан, Н.Слусарева, М.Ҳеллиди каби тилшуносларнинг тадқиқот ишларига буни кузатишимиз мумкин.

Бизнингча, мазкур масала анча изоҳталаб кўрилади. Чунки гапнинг актуал бўлаklарининг ўрни жумла таркибида барқарор характерли эмас. Бир гап доирасида келаётган сўзларнинг барчаси тема вазифасида ҳам, рема функциясида ҳам кела олади. Бу, албатта, уларнинг мантиқий урғу олишлари билан бевосита боғлиқдир. Мантиқий урғу эса муайян бир сўзга сўзловчи томонидан ва тингловчи томонидан турлача қўйилиши мумкин. Масалан, сўзловчи алоҳида таъкидлаётган сўз баъзан тингловчилар реакция уйғотмаслиги, унинг ўрнига тингловчи бошқа бир сўзни маъно жиҳатдан муҳимроқ деб билиши ҳам мумкин. Бу умумий масаланинг бир томонини тақозо этса, иккинчи томондан, гапнинг актуал бўлаklари мантиқий урғу билан узвий боғлиқ экан, тилимизни яна мантиқий

қоидалар исканжасига олиб кириши муқаррардир. Чунки реманинг белгиланиши мантикий урғусиз бўлмайди. Учинчидан, мазкур назарияни синтактик функция тушунчаси билан боғлаш қийин, зотан, сўзнинг синтактик вазифаси муайян бир гап сатҳида барқарор бўлади. Мазкур назарияга мувофиқ эса, бир жумла таркибидаги ҳар бир сўз тема ҳам, рема ҳам бўла олади. Бу жараёнда, албатта, гапнинг синтактик структураси ўзгаришсиз қолаверади.

Гапнинг актуал бўлаклари назарияси хусусида В.Б.Касевич ҳам танқидий мулоҳаза билдиради. Унинг фикрига кўра, биринчидан, “актуал бўлаklar” термини тўғри танланмаган, зотан, бундай бўлаklar фақат гап сатҳидаги маълум бир бўлаklarни (аниқроғи, гапнинг фақат икки бўлагини) акс эттиради, гапнинг умумий структураси таҳлили эса назардан четда қолади. Иккинчидан, тема ва рема тушунчалари Аристотелнинг мантиқда қўллаган “субъект” ва “предикат” терминларининг бошқача номланишидан бошқа нарса эмас (5.86).

Албатта, В.Матезиуснинг “актуал бўлаklar” назарияси ҳақида юқорида билдирилган танқидий мулоҳазалар унинг аҳамиятини мутлақо инкор этмайди. Мазкур назариядан фойдаланиш мумкин. Чунки актуал бўлаklar номи билан аталаётган гап унсурлари семантик нуқтайи назардан аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Гапнинг актуал бўлаklar ҳақидаги назария қайси тилшунослик мактабида ва ким томонидан жорий этилган?
2. Жумланинг асоси ва хабарнинг ядроси деганда нималарни тушунасиз?
3. Тема ва рема тушунчалари талқинини беринг.
4. Гапнинг актуал бўлаklarининг жумла сатҳидаги ўринлари барқарорми?
5. Рема нима воситасида таъкидланади?
6. гапнинг актуал бўлаklar назариясининг қандай нуқсонларини биласиз?
7. Актуал бўлаklar назариясининг семантик синтаксис билан қандай алоқаси бор?

Таянч сўз ва бирикмалар

Асос, ядро, тема, рема, формал синтаксис, семантик синтаксис, субъект, предикат.

Адабиётлар

1. Матезиус В. О так называемом актуальном члени предложения // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967.

Основная функция порядка слов в чешском языке // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967.

2. Гак В.Г. Актуальное членение и лексико – грамматическая структура предложения // Русский язык за рубежом, № 3, 1968; Крушельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения // Вопросы языкознания, № 5, 1956; Распопов И.П. Актуальное членение и коммуникативно-синтаксические типы повествовательных предложений в русском языке // Автореф. докт. дис. – Уфа, 1964.
3. Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. – М., 1981.
4. Слюсарева Н.А. Об английском функционализме М.А.К. Х.Эллидея // ВЯ. № 5, 1987.
5. В.А.Касевич. Семантика. Синтаксис. Морфология. –М., 1988.

А.Мартиненинг функционал таҳлил назарияси

Андре Мартине ҳам Прага тилшунослик мактабининг йирик вакиллари билан бирга ҳисобланади. У ўзининг функционал таҳлил назарияси билан жаҳон тилшунослигига танилди.

Мартиненинг функционал таҳлил назарияси ҳозирги тилшуносликда энг мукамал ва тўғри йўналишдаги назариялардан бири ҳисобланади. “Агар, деб ёзади олим, - фонологик таҳлил фонемаларни энг кичик ифодаловчи тил бирликлари тарзида ўрганишдан бошланса, функционал таҳлил жумлани ёки унинг маълум бир қисмини энг кичик маъно англатувчи биз монема деб атаётган бирликларга бўлиб ўрганишдан бошланади” (1.451).

“Монема” термини дастлаб Н.Фрей томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, бу ҳақда у қуйидагиларни ёзган эди: “Мен ифодаловчиси бўлинмас (яхлит) бўлган ҳар қандай белгини монема деб биламан” [2, 51]. Бироқ монеманинг мукамал тавсифи А.Мартине тадқиқотларида берилди.

А.Мартине монемаларни қуйидаги уч турга бўлиб ўрганади: автоном (мухтор) монемалар, функционал монемалар ва қарам монемалар.

Монемани морфема билан тенглаштириб бўлмайди. Агар морфема тилнинг энг кичик маъно англатувчи бирлиги бўлса, монема нутқнинг энг кичик функционал қийматга бўлган бирлигидир. [3.5].

Аммо морфема нутқда бажарадиган функциясига кўра монема вазифасини бажариши мумкин, монема эса морфеманинг тилдаги функциясини бажара олмайди.

Монема вазифасида оддий аффикс ҳам, мустақил ва ёрдамчи сўзлар ҳам кела олади. Бунда уларнинг нутқий фаоллиги муҳим мавқега эга бўлади.

Монемаларнинг турларга бўлиниши уларнинг нутқ доирасида қандай вазифа бажариши билан боғлиқдир, зотан, улар функцияларига кўра

муштарак эмас. Баъзи монемалар нутқда ўзларини функция билан таъминлашидан ташқари, бошқа монемаларга ҳам функционалфаоллик бера олса, айрим монемалар фақат ўзини вазифа билан таъминлайди ва ўзига-ўзи синтактик фаоллик беради. Бошқа бир монемалар эса функционал фаоллик олиш учун иккинчи монемага қарам бўлади.

Автоном (мухтор) монемалар деганда Мартине ўзини-ўзи тилдан (вертикал қатордан) нутққа (горизонтал қаторга) кўчира оладиган ва бу жараёнда ўзига-ўзи функционал фаоллик бера оладиган монемаларни тушунади. Бундай монемалар бошқа монемаларга функция бера олмайди. Масалан: Тўғри, ҳаммамиз меҳрга мухтожмиз.

Келтирилган гапда автоном монема вазифасида тўғри сўзи қўлланилмоқда. Унинг тилдан нутққа ўзини-ўзи кўчираётгани изоҳ талаб қилмайди, албатта. Шу боис у жумла таркибидаги бошқа монемалар билан бевосита синтактик алоқага ҳам киришаётгани йўқ. Мухтор ёки артоном монеманинг ифода материали тилларда ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида бундай монема вазифасида кўпроқ кириш сўз ва бирикмалар, ундалма қўлланилади. Бироқ бу орқали автоном монема вазифасида мустақил сўзлар қўлланилмас экан, деган хулосага бормаслик лозим. Мустақил сўз ҳам мазкур монема вазифасида келиши мумкин: Кеча барчамиз шанбалик қилдик.

Берилган гапда кеча сўзи автоном монема сифатида қўлланиганини кўрамиз. Автоном монема жумланинг исталган ўрнида кела олади: Барчамиз кеча шанбалик қилдик – Барчамиз шанбалик қилдик кеча.

Автоном монема вазифасида келган кириш сўз ва бирикмалар, гарчи функция бера олмаса ҳам, жумла таркибидаги маълум бир сўз билан семантик жиҳатдан муносабатда бўлади. Масалан, юқорида берилган мисолда тўғри автоном монемаси гапнинг кесими билан бевосита алоқада эканини кўрамиз: тўғри – мухтожмиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, кириш сўз ва бирикмаларни, шунингдек, ундалмаларни ўқув қўлланилмалари ва дарсликларда анъанага кўра гап бўлаги ҳисобланмайдилар. Бизнингча, бундай хулосага келиш ноўриндир. Чунки гап таркибида қўлланган ҳар бир сўз унинг маълум бир бўлагини ташкил этади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Фикримиз далилини А.Р.Сайфуллаевнинг тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин. Олим кириш сўз ва бирикмаларни, ундалмаларни гапнинг учинчи даражали бўлаклари тарзида талқин этади [18-20].

Автоном монемалар парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтишида гапнинг бошқа монемалари билан синтактик жиҳатдан боғланмайди. Унинг функционал фаоллик олиши, асосан, сўзловчининг хоҳишига кўра, аниқроғи, сўзловчининг гап сатҳидаги бирор сўзга семантик жиҳатдан аниқлик киритиш мақсади билан боғлиқ бўлади.

Функционал монема жумла таркибига қарам монемаларнинг талабига кўра киритилади ва у нутқ ханжарида бошқа монемаларга қараганда ўта фаол ҳаракатда бўлади. Функционал монемалар хусусида гапирганда энг аввал шунга аҳамият бериш керакки, гапнинг предикативлик белгисини

ташкил этувчи сўзлар ҳар доим функционал монема саналади. Зотан, предикат субъектга, субъект эса, ўз навбатида, предикатга синтактик функция беради: Биз қишлоқда яшаймиз.

Берилган гапда биз – субъект предикатга, яшаймиз – предикат субъектга функция бераётганини кўрамиз. Бундан ташқари, жумла сатҳида қарам монемаларнинг функционал фаоллик олишида тилларда турли воситалар, жумладан, предлог, кўмакчи, боғловчи, аффикс ва ҳ.к. лар ҳам муҳим рол ўйнайди. Масалан:

1. *Il entre dans la chamber* (У хонага кирапти).
2. Комил биз билан ўқийди.
3. Собир Тошкентда яшайди.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *dans* предлоги *la chamber* сўзига синтактик фаоллик бериб функционал монема вазифасини бажармоқда. Бу ўринда *la chamber* (хона) сўзи қарам монемадир. Чунки у жумла таркибига *dans* предлоги ёрдамида кирмоқда ва шу предлог воситасида синтактик фаоллик олмоқда.

Иккинчи мисолда билан кўмакчиси функционал монема тарзида кўлланмоқда ва у биз сўзи орқали ифодаланган қарам монемага синтактик фаоллик бермоқда.

Учинчи мисолда –да аффикси функционал монема сифатида Тошкент сўзига фаоллик бермоқда. Тошкент сўзи эса бу жиҳатдан қарам монемадир. Зотан, мазкур сўз мустақил сўз бўлишига қарамай, жумла таркибига –да аффиксининг иштирокисиз айни пайтда кира олмайди.

Кўринадик, функционал монема нутқда ўта муҳим вазифа бажаради, унинг иштирокида жумланинг синтагматик занжири вужудга келади.

А.Мартиненинг тилшунослик фани олдидаги муҳим хизматларидан бири шундаки, у том маънодаги функционал таҳлил назариясига биринчилардан бўлиб асос солди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, Мартине функционал таҳлилнинг асосий тамойилларини белгилаб берди. Бу соҳада ҳали илмий жиҳатдан асосланиши ва тўлдирилиши лозим бўлган масалалар ҳам анчагина. Ана шундай масалалардан бири функционал монема тушунчаси билан боғлиқдир.

Назаримизда, оврўпа тилларининг кўплари учун характерли бўлган артиклар ҳам ҳеч бўлмаганда ярим функционал монема сифатида талқин этилиши лозим. Чунки у нутқда кўчирилаётган от туркумидаги сўзларнинг сонини, жинсини билдириб келиб, функционал фаоллик кўрсатади. А.Мартине назариясида эса артикл ўзи тегишли бўлган от билан бирга битта монемани ташкил этади. Бизнингча, артиклни ярим функционал монема тарзида изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай вазиятни туркий тилларда ҳам кузатиш мумкин. Бунга эгалик кўшимчалари мисол бўла олади. Мазкур кўшимча аксарият ҳолларда келишик кўшимчаси билан қўлланилиб, унинг олдидан келади. Келишик кўшимчасининг функционал монема вазифасини бажариши изоҳ талаб қилмайди, албатта. Лекин бундай вазиятда эгалик кўшимчаси келишик

қўшимчасининг функционал вазифаси доирасига кирмайди. Масалан: Комил Собирнинг дадасини кўрди.

Бу гапда дадасини сўзи таркибида –ни аффикси функционал монемадир. Ўйлаймизки, айти пайтда –си қўшимчаси ҳам дада сўзининг тилдан нутққа кўчирилишида маълум даражада функционал фаоллик кўрсатмоқда. Шунинг учун уни биз ярим функционал монема деб айтаемиз, зотан, асосий функционал вазифа бу ўринда –ни аффикси томонидан бажарилмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, Мартине назариясида қўшма гаплар таркибида синтактик фаоллик кўрсатувчи боғловчиларнинг ҳам функционал салмоғи ўрганилмаган. Бизнинг илмий кузатишларимиз эса боғловчилар нутқнинг синтагматик занжирини ташкил этишда ўта салмоқли функционал вазифа бажаришини кўрсатмоқда. Боғловчи нутқда алоҳида сўзларга эмас, балки бутун бир гапга ва ҳатто икки ва ундан ортиқ гапларнинг бирикувидан ташкил толувчи қўшма гапга функционал фаоллик бериши билан алоҳида ажралиб туради. Масалан: Собир келди ва ишларимиз юришиб кетди.

Мазкур синтактик структурада ва боғловчиси аввал икки содда гапга, кейин эса бутун бир қўшма гапга функционал фаоллик бераётганини кўраемиз. Шунинг учун биз уни суперфункционал монема деб атаемиз [5, 92-93].

Шуни ҳам айтиш керакки, қўшма гап қисмлари боғловчи ўрнида қўлланган бошқа морфологик воситалар билан муносабатга киришганда ҳам шу воситалар суперфункционал монема вазифасини бажаради: Собир келгач, ишларимиз юришиб кетди.

Мазкур гапда –гач унсури суперфункционал монемадир.

Шундай қилиб, А.Мартине томонидан илмий асосланган функционал таҳлил назарияси тил бирликларининг нутққа кўчирилиши ва уларнинг нутқда бажарадиган синтактик функцияларини соф лингвистик тамойиллар асосида ўрганишимиз учун кенг имконият яратишини кўраемиз. Мазкур назариянинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг мантиқий ҳамда психологик тамойиллардан холи эканлигидадир.

Мавзу бўйича саволлар

1. А.Мартине қайси тилшунослик мактабининг аъзоси?
2. Мартиненинг функционал таҳлил назариясининг асосида қандай тушунча ётади?
3. Монема деганда нимани тушунаемиз?
4. Автоном монема қайси жиҳатлари билан бошқа монемалардан фарқ қилади?
5. Функционал монеманинг неча турини биласиз?
6. Суперфункционал монемани изоҳлаб беринг.
7. Гапнинг учинчи даражали бўлагини қандай шарҳлайсиз?

8. Мартиненинг функционал таҳлил назариясининг аҳамиятини изоҳлаб беринг.

Таянч сўз ва бирикмалар

Функция, парадигматик қатор, синтагматик қатор, монема, автоном монема, функционал монема, қарам монема, ярим функционал монема, суперфункционал монема.

Адабиётлар

1. Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, № 3, 1963.
2. Frei H. Qu'est –ce qu'un Dictionnaire de phrase? // Cahier de Saussure, № 1, 1991. –P. 51.
3. Martinet A. La linguistique synchronique. – Paris, 1968.
4. Сайфуллаев А.Р. Семантико – грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. – Ташкент, 1984.
5. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. – Тошкент: Фан, 2003.

Э.Куриловичнинг синтактик деривация назарияси

Эжи Курилович ҳам Прага тилшунослик мактабининг йирик намояндаларидан бири бўлиб, у ўзининг синтактик дериватсия назарияси билан машҳурдир. Маълумки, тилшунослик фанида лексик деривация тушунчаси кўп йиллардан бери қўлланилиб келади ва у сўз ясалиши муаммоси билан боғлиқ. Синтактик дериватсия назариясининг илмий истемолга киритилганига эса ҳали кўп вақт ўтганича йўқ. Тўғри Эжи Курилович синтактик дериватсия назариясини ўтган асрнинг 30-йилларида илмий асослаб берган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, мазкур назария 60-йилларга келиб илмий истеъмолга киритила бошлади. Бунга асосий туртки бўлган воқеалардан бири Куриловичнинг “Derivation lecrque et derivation syntaxique” деб номланувчи салмоқли ишининг рус тилига (“Деривация лексическая и деривация синтаксическая”) таржима қилиниши бўлди.

Курилович дериватсия терминини “шаклланиш”, “тармоқланиш” деган маъноларда тушунгани ҳолда синтактик дериватсияни бирор асос структура замирида иккинчи бир синтактик структуранинг шаклланиши маъносида талқин этади. Бироқ Курилович “дериватсия” терминини жуда тор маънода тушунади. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Синтактик дериватсия – бу синтактик функцияси ўзгарган лексик унсурларнинг асос структурада англатган мазмуний салмоғи демакдир” (1,61).

Бироқ фактик тил материалининг таҳлили синтактик дериватсия жараёнида асос гаптаги маънонинг кенгайиши ёхуд торайиб кетишини ҳам кўрсатади. Гапнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган бу хилдаги дериватсион оператсиялар албатта тилшунослик фани тараққиётининг кейинги даврларида кун тартибидан ўрин олди. Э.Курилович эса лексик дериватсия яъни ҳам, синтактик дериватсияни ҳам сўз доирасида талқин қилади. Масалан, камень (тош) – каменьщик (тош терувчи); камень – каменный (тошли) (2,10).

Келтирилган мисолларнинг биринчи лексик дериватсияга, иккинчиси эса синтактик дериватсияга намуна бўла олади. Чунки биринчи мисолда асос сўзнинг замирида янги сўзнинг синтактик вазифаси ўзгармоқда. Бироқ ҳозирги тилшуносликда синтактик дериватсия тушунчаси сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган лингвистик ҳудудда қўлланмоқда. Лекин дериватсия тушунчаси сўзга ёки синтактик структураларнинг қайси бирига нисбатан қўлланишидан қатъий назар, таҳлил жараёнида бир хил терминлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир: операнд, оператор, дериват. Масалан:

1. Олмазор. Бунда лексик дериватсия воқеланиб, олма = операнд, - зор = оператор, олмазор = дериват.
2. Аҳмад мих қоқди – Мих Аҳмад томонидан қоқилди. Бу ўринда синтактик дериватсия воқеланмоқда: мих, Аҳмад, томони, қоқмоқ = операндлар, - дан оператор, мих Аҳмад томонидан қоқилди = дериват.

Дериватологияда операнд термини орқали дериватсия материали, оператор термини орқали дериватсияни вужудга келтирувчи восита, дериват термини орқали эса дериватсия натижаси ҳосила структура тушунилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги йилларда Э.Куриловичнинг синтактик дериватсия назарияси тилшунослар томонидан ижодий ривожлантирилди. Хусусан, рус тилшунослигида бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунга И.Н.Мурзин, В.С.Храковский, И.П.Распопов, Э.С.Кувриякова, Ю.Панкратс ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари мисол бўла олади (3).

И.Н.Мурзин синтактик дериватсия ҳодисасини, асосан, гап мисолида ўрганadi. Унинг тадқиқотларида синтактик дериватсия деганда бирор таянч гап асосида иккинчи структуранинг шаклланиши тушунилади (4,10). И.П.Распопов ҳам синтактик дериватсия ҳодисасини И.Н.Мурзин каби тушунади ва бунда трансформатсия ҳодисаси устувор ахамият касб этишини, унинг натижаси дериватсияга олиб келишини таъкидлайди.

В.С.Храковский тадқиқотларида эса дериватсияга трансформатсиядан фарқланиши айтилади. Ковскийнинг фикрига кўра дериват (ҳосила) ўзининг грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам, синтактик шакли ва мазмуний салмоғига кўра ҳам фарқланмоғи керак: Таня открывает окно. Бабушка заставила Таню открыть окно (5,492).

Кўринадикки, синтактик дериватсия ҳодисаси ҳақида айтилган фикрлар муштарак эмас. Уларнинг қарийб барчасида биртомонликка йўл кўйилганини кузатамиз. Масалан, И.Н.Мурзин, И.П.Каспоповларнинг мулоҳазаларига кўра дериватсия ҳодисаси трансформатсия ҳодисасининг бошқача номланишидек бўлиб, қолган бўлса, В.С.Храковскийнинг фикрига кўра, трансформатсия ва дериватсия бошқа ҳодисалар каби талқин этилади.

Бизнингча, синтактик дериватсия ҳодисасини трансформатсиядан айри ҳолда тушуниш қийин. Чунки трансформатсия натижаси дериватсияга олиб келиши муқаррардир. Масалан: Собирнинг бу дадил гапидан ўтирганлар қониқиш ҳосил қилди. – собирнинг бу дадил гапи ўтирганларни қониқтирди.

Бу ўринда конверсия усулига асосланган трансформатсия натижаси дериватсияга олиб келмоқда. Лекин бу синтактик дериватсия ҳодисаси воқеланадиган ягона усул эмас, чунки га пёки сўз бирикмаси синтактик шаклини кенгайтирувчи аппликатив усул ҳам дериватсияга олиб келади:

Собир келди – Дўстим Собир келди – Дўстим Собир бугун келди ва ҳ.к.

Шуни ҳам айтиш керакки, синтактик дериватсия ҳар доим ҳосила структурани тақозо этар экан, у маълум бир таянч структурасига асосланади. Юқорида берилган гапларнинг биринчиси таянч структурадир. Иккинчи гап анна шу таянч структура асосида вужудга келмоқда. Учинчи гап учун эса иккинчи жумла таянч структура мақомида келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, дериватсиянинг иккинчи босқичидан бошлаб ҳосилдан ҳосила ясалишини кўрсатади.

Дериватсион жараённинг шаклланишида муҳим рол ўйнайдиган дастлабки таянч структура Н+В моделида бўлади ва бу структура туб структура замирида вужудга келади. Масалан, Собир келди таянч структураси келмоқ тарзида асосланмоқда.

Туб структурани мавҳум ифодадаги тафаккур структураси деб тушуниш мумкин (7). Бундай структурада ҳар доим тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринлар бўлади. Бундай бўш ўринлар дастлаб таянч структурада тўлдирилади. Масалан, келмоқ туб структурасини В симболи билан белгиласак, унда Н ва Х ўринларининг бўшлигини кўраамиз. Биринчи бўш ўрин таянч структурада тўлдирилатган бўлса, Х бўш ўринлар ҳосила структураларда тўлдирилмоқда: Собир келди = Н+В. Дўстим Собир келди = Х + Н + В. Дўстим Собир бугун келди = Х1 + Н + Х2 + В ва ҳ.к.

Шу нарса характерлики, гап сатҳида Х унсур бўлмаса уни дериватсия маҳсули деб бўлмади. Шу боис гап моделидаги Х унинг ҳосила эканлигидан далолат беради.

Дериватсия маҳсули бўлган ҳар қандай ҳосила структура ҳам бирор оператор воситасида рўй беради. Бошқача айтганда, оператор бўлмас экан, дериватсия ҳам воқеланмайди. Шунинг учун оператор дериватсиянинг мутлақ ҳоким унсури саналади. Масалан, Мен университетда ўқийман

гапининг синтактик дериватсия маҳсули эканлиги шубҳасиздир. Бунда дериватсия оператори – да аффикси билан ифодаланмоқда.

Баъзи ҳосила структураларда оператор белгисиз ҳолда вазифа бажаради: Собир китоб ўқиди. Бунда дериватсия операторининг (-ни) белгисиз келаётганини кўраемиз. Айрим жумлаларда эса оператор нол ифодали бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Аҳмад тер тўкиб ишлади жумласида тер тўкиб (X унсур) ва ишлади сўзлари семантик қуршов (дистрибутсия) воситасида боғланмоқда. Буни биз нол оператор деб номлаймиз.

Баъзи дериватсион жараёнда оператор танлаш имконияти ҳам бўлади. Бундай вазиятда нутқ муҳити ва сўзловчининг хоҳиши муҳим аҳамият касб этади: Баҳор келди. Гуллар очилди. Айни вазиятда берилаётган икки таянч структурадан қуйидаги қўшма гапларнинг синтактик дериватсиялари ясалиши мумкин:

1. Баҳор келди ва гуллар очилди.
2. Баҳор келса, гуллар очилади.
3. Баҳор келгач, гуллар очилди.

Биринчи тенг компонентли боғланган қўшма гапда ва оператори, иккинчи шарт эргаш гапли қўшма гапда –са оператори, учинчи пайт эргаш гапли қўшма гапда –гач оператори фаоллик кўрсатмоқда. Улардан бирини танлаш масаласи эса сўзловчининг хоҳишини ҳамда муайян нутқ муҳити билан боғлиқдир.

Айни пайтда ҳар учала мисолда ҳам трансформатсия усулидан фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, трансформатсия синтактик дериватсиянинг иш усулларида бири эканлигидан далолат беради (6).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, синтактик дериватсия назарияси тилнинг нутққа кўчирилиши муаммоларини ўрганишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала эса ҳозирги тилшунослигимизда ўта долзарбдир.

Мавзу бўйича саволлар

1. Синтактик дериватсия назарияси ким томонидан ва қачон илмий асосланган?
2. Синтактик дериватсия лексик дериватсиядан қандай фарқланади?
3. Дериватологияда қандай терминлардан фойдаланилади?
4. Синтактик дериватсия қандай усуллар орқали воқеланади?
5. Дериватсия операторини танлаш мумкинми?
6. Рус тилшунослигида кимлар синтактик дериватсия масалалари талқини билан шуғулланган?

Таянч сўз ва бирикмалар

Дериватсия, дериватсион жараён, операнд, оператор, дериват, трансформатсия, аппликатсия.

Адабиётлар

1. Курилович Э. Дериватсия лексическая и дериватсия синтаксическая // Очерки по лингвистике. – М., 1962.
2. Курилович Э. Лингвистика и теория языка // Очерки по лингвистике. – М., 1962.
3. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии.-Пермь, 1984; Храковский В.С. Трансформация и дериватсия // Проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973; Распопов И.П., Сычева С.Н. Синтаксическая дериватсия и синтаксическая синонимия // Филологические науки, № 2, 1974; Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. Дериватсия // лингвистический Энциклопедический словарь. – М., 1990.
4. Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка) // Автореферат докт.дис. –Л., 1976.
5. Храковский В.С. Кўрсатилган асар.
6. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990.

Н.С.Трубетскойнинг фонологик назарияси

Ўтган асрнинг 20- йиллари охири 30-йиллари бошларида Прага тилшунослик мактабининг асосий юналиши фонология муаммолари тадқиқига қаратилди. Фонологиянинг тилшунослик фанида янги соҳа сифатида илмий асосланиши рус тилшуноси (Прага тилшунослик мактабининг аъзоси) Н.С.Трубетскойнинг хизмати беқиёс бўлди. (1890-1938).

Н.С.Трубетской ўзининг “Фонология асослари” асари билан бутун дунё тилшунослигида машҳур бўлди. Мазкур асар унинг вафотидан кейин 1939 йилда (Германияда) немис тилида нашр қилинди. Унинг рус тилига таржимаси 1960 йилда амалга ошди. Бироқ рус тилидаги нашрида асарнинг немисча нусхасида бўлган баъзи масалалар таржимасида жузъий камчиликлар бўлишига қарамай, мазкур таржима ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Н.С.Трубетской бу асарида фонологияни илмий асослаб берди, зотан, Трубетскойга қадар фонология том маънода мустақил фан сифатида ҳали шаклланмаган эди. Олимнинг катта хизматларидан бирини унинг фонетика билан фонологияни фарқлаш лозимлиги ва бунинг асосий тамойилларини кўрсатиб бера олганлигида кўрамиз. У фонетикани нутқ товушларини ўрганувчи (фонетик акустика ва фонетик артикулятсия) фан сифатида, фонологияни эса тилдаги товушларни (фонемаларни) ўрганувчи фан сифатида талқин этади ва бу билан Ф.де Соссюрнинг “тил ва нутқ” дихотомиясининг асосий ғояларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Н.С.Трубетскойнинг илмий концепсияси мукамаллиги яна шунда намоён бўладики, у 200 дан ортиқ тилларнинг фонологик системалари ҳақида илмий маълумот беради. Бундай ютуққа Трубетскойга қадар ҳали ҳеч бир тилшунос эриша олмаган эди.

Олимнинг “Фонология асослари” асарида таъкидланишича, фонология фонетиканинг энг юқори поғонаси эканлиги ва у тилдаги товушларнинг функционал жиҳатларини ўрганиши лозимлигига асосий эътибор қаратилмоғи керак. Фонетика эса товушларнинг акустик ҳамда артикулятсияси билан боғлиқ масалаларни ўрганмоғи даркор ва бу унинг асосий вазифасини ташкил этади. “Фонетиканинг бирдан-бир вазифаси, - дейди олим, у ёки бу товушнинг қандай талаффуз этилишини ўрганишдан иборатдир” (1, 16-17). Ана шу асосда фонетика инсон нутқининг материал жиҳатини ўрганувчи фан сифатида изоҳланади.

Н.С.Трубетской “Фонология асослари” асарида нутқ товушларини тил белгисининг ифодаловчи томонини ташкил этишини кўрсатиб беради ҳамда тил нуқтайи назаридан фарқлайди. Дарҳақиқат, муайян бир тил белгисининг луғат таркибидаги товуш системасидаги ҳолати нутқда қўлланилганда конкрет ифодасини топган товуш системасидаги ҳолатидан аксарият ҳолларда фарқланишини кўрамиз. Бунга унинг аллофонлари қўлланиши ёки тилда маълум бир товуш системаси орқали ифодаланаётган маъно нутқда (шу товуш системаси ўзгармагани ҳолда) мутлақо бошқа маънода қўлланиши мисол бўла олади.

Айнан ана шу ходиса замирида фонетика ва фонологиянинг бир-бирига зид томонларини асослаш мумкин. Фонетика Трубетскойтаълимотида кўплаб акустик ҳамда артикулятсион белгиларга эга эканлиги, бироқ фонологияда мазкур белгилар аҳамият касб этмаслиги ҳам мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Чунки оддий нутқ товуши билан маъно фарқловчи товушнинг фарқи бор. Бунда, Н.С. Трубетской Р.Якобсоннинг фонология билан фонетика ўртасидаги фарқни сиёсий иқтисод билан товаршунослик ўртасидаги фарққа ўхшатганини ижобий баҳолайди (1,18).

Фонология инсон нутқ фаолиятининг материал томонини эмас, балки унинг (шу материалнинг) функционал жиҳатларини ўрганади ва бу билан вазифасига кўра анча чуқур илдиз отади. Ана шу боис Трубетской таълимотида товушлар ҳақидаги фан икки қисмга ажратилади. Бу қисмларнинг бири нутққа, иккинчиси эса тилга таянади. Бироқ бу билан Трубетской фонетика ва фонологияни бир-биридан ажратиб, ўзаро алоқаси йўқ фанларга бўлиб юбормоқчи бўлмаган. Унинг эътироф этишича, фонология ўзининг бошланғич қадамини фонетика худудида қўяди. Зотан, фонологиянинг ҳам текширув объекти товушлардир. Бироқ товушларнинг тавсифи фонологик тадқиқот учун бошланғич нуқтани ташкил этади, зотан, фонология товушларни системага солиб, уларнинг ўзаро боғланишини ўрганар экан, у фонетикадан йироқлашиб кетади. Демак, фонетика ва фонология тадқиқотларимизнинг бошланиш этапидагина ўзаро боғлиқ бўлади.

Фонеманинг маъно фарқловчи восита эканлиги Трубетской таълимотининг асосий мағзини ташкил этади. Олим бунда икки нарсага муҳим аҳамият беради: 1. Фонологик оппозитсия. 2. Фонологик бирлик.

Фонологик оппозитсияни қуйидагича изоҳлаш мумкин: ингл. [ai]: [ei] = line (чизик): lane (йўлак); немис [o]: [i] = so (хўш): sie (улар); франс. [e]: [E] = the (чай): tare (ёстикнинг жилди).

Фонологик бирлик деганда, Трубетской фонологик оппозитсияни ташкил этаётган ҳар бир товушни тушунади. Масалан, бор ва бир сўзларида кузатилаётган фонологик оппозитсия биргина унли, яъни фонологик бирлик орқали шаклланмоқда. Бундай бирликни олим фонема деб номлайди.

Н.С.Трубетской фонема ва унинг вариантлари хусусида қимматли илмий маълумотлар беради ва бу ўринда қуйидаги қоидалар келтирилади:

Биринчи қоида. Агар бир тилнинг ўзида икки хил товуш бир пазитсияда (қуршовда) келиб, бир-бирини алмаштира олса ва бунда маъно ўзгариши содир бўлмаса, у ҳолда мазкур товушларни бир фонеманинг факултатив вариантлари деб қарашлозим. Масалан: конечно – конешно, булочная – булошная; мазкур – маскур.

Иккинчи қоида. Агар бир хил ўринда (қуршовда) келиши мумкин бўлган икки товуш маънога таъсир этиб бир-бирини алмаштира олса, у ҳолда бундай товушларни алоҳида фонемалар деб билмоқ лозим. Масалан, немис тилида Ierri (лаб) ва Iarri (лагта). Бунда [i] ва [a] товушлари ўртасидаги муносабат аҳамият касб этмоқда. Ўзбек тилидан мисол: бўр – бир – бор, нон – кон – нок.

Учинчи қоида. Агар бир-бирига яқин икки товуш бир хил қуршовда ҳеч қачон кела олмаса, бундай товушлар ёлғиз бир товушнинг комбинатор вариантлари саналади [1,53-56]. Масалан, ўзбек тилида ҳ товуши икки унли ўртасида келганда жарангли, бошқа ҳолатларда эса жарангсиз талаффуз этилиши бунга мисол бўла олади: аҳамият – эҳтимол.

Тўртинчи қоида. Учинчи қоиданинг барча талабларига жавоб бера оладиган икки товуш муайян бир тилда товуш бирикмаси сифатида биридан кейин иккинчиси кела олса ҳам бир фонеманинг комбинатор вариантлари бўлолмаслиги мумкин. Масалан, инглиз тилидаги profession [prefesn] сўзида r ва e товушлари кетма-кет келмоқда. Лекин perfection [refeksn] сўзида бу товушларнинг фақат биттаси талаффуз этилмоқда [1, 55-57].

Кўринадикки, Н.С.Трубетской фонемаларнинг асосий функцияларини уларнинг оппозитсионал характери доирасида очиқ беради. Олим фонологик оппозитсиянинг қуйидаги уч турини илмий жиҳатдан мукамал асослайди:

1. Приватив оппозитсия. 2. Градуал оппозитсия. 3. Эквиполент оппозитсия.

Приватив оппозитсия фонологияда ғоят муҳим аҳамият касб этиб, бунда қарама-қарши қўйилаётган товушларнинг бирида мавжуд бўлган белги иккинчисида кузатилмаслиги назарда тутилади. Масалан, жарангли

– жарангсиз, лабланган – лабланмаган каби. Маълумки, жарангли товушдаги овоз миқдори жарангсиз товушда кузатилмайди ёки лабланган товушни талаффуз этишдаги лабнинг чузиқ ҳолати лабланмаган товушда кўринмайди. Бунда оппозитсиядаги товушларнинг белгиси “маркерли”, белгисизи эса “маркерсиз” деб аталади.

Градуал оппозитсия. Н.С.Трубетской қарама-қарши қўйилаётган товушларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган маълум бир белгининг даражасига кўра фарқланишини градуал оппозитсия деб атайди. Аммо мазкур оппозитсия приватив оппозитсияга нисбатан камроқ учраши ва унинг унчалик муҳим аҳамиятга эга эмаслиги эслатилади. Масалан: саёз тил орқа ундошлари – чукур тил орқа ундошлари.

Оппозитсиянинг мазкур тури поғонали оппозитсия деб ҳам юритилади.

Эквиполент оппозитсия. Бунда қарама-қарши қўйилаётган товушларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган ўзига хос белги асосидаги оппозитсия тушунилади. Масалан: тил олди товуши – тил ўрта товуши – тил орқа товуши. Бу оппозитсияни тенг ҳуқуқли деб ҳам юритишади (1, 82-83).

Н.С.Трубетской фонологик оппозитсияни товушларнинг талаффузи муайян белгиларида фарқланишини эътиборга олиб, уларни умумий планда пропорционал ва ажратилган (изолированные) деб аталувчи икки турга бўлади. Олим пропорционал оппозитсия деганда, қарама-қарши қўйилаётган товушларга хос бўлган муносабат Яна бошқа товушлар ўртасида ҳам кузатилишини ҳам тушунади. Масалан, ф – б товушлари ўртасидаги оппозитсия ўхшаш ҳодиса т – д товушлари ўртасида ҳам кузатилади.

Ажратилган оппозитсияда эса товушлар ўртасида рўй бераётган муносабат бошқа оппозитсияларда кузатилмайди. Масалан, п ваш товушлари, шунингдек, т – п, б – д товушлари ўртасидаги муносабатлар бунга мисол бўла олади. Н.С.Трубетской бу ўринда ҳар қандай тилда ҳам пропорционал оппозитсияга қараганда ажратилган оппозитсия миқдор жиҳатдан кўп эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, Н.С.Трубетскойнинг фонологик назарияси бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини кўрамыз. Зотан, унинг «Фонология асослари» асари том маънода XX асрнинг фонологик энциклопедиясидир.

Мавзу бўйича саволлар

1. Прага тилшунослик мактабида фонологик тадқиқотлар қайси йилларда бошланган?
2. Н.С.Трубетскойнинг қандай асарини биласиз?
3. Н.С.Трубетскойнинг асари дастлаб қайси тилда чоп этилди?
4. Асар қачон рус тилига таржима қилинди?
5. Фонологик бирлик деганда нимани тушунасыз?

6. Трубетскойнинг фонема ва унинг вариантлари бобида айтилган уч қоидани биласизми?
7. Фонологик оппозитсиянинг қандай турлари мавжуд?
8. Пропорционал ва ажратилган оппозитсияларни изоҳлаб беринг.

Таянч сўзлар ва бирикмалар

Оппозитсия, фонема, аллофон, приватив оппозитсия, эквиполент оппозитсия, градуал оппозитсия, пропорционал оппозитсия, ажратилган оппозитсия.

Адабиётлар

1. Трубетской Н.С. Основы фонологии. – М., 1960.
2. Березин Ф.М. История лингвистических учений. – М., 1975.
3. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1974.
4. Баскаков Н.А. ва бошқа. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1990.

И.Теньйир ва унинг вербосентрик назарияси

Француз тилшуноси И.Теньйир 1893 йилда таваллуд топади. У 1912 йилда Сарбон университетида ўқишга киради ва бунда Мейи, Вандрийис каби машхур тилшунослардан таълим олади. Бироқ Теньйир 1913 йилда Германиянинг Лайпзиг университетида ўқишни давом эттиради ва у университетни тугатади.

И.Теньйир тилшунослик оламида ўзининг «Структур синтаксис асослари» деб номланувчи асари билан шуҳрат қозонади (1). Мазкур асар 1959 йилда олимнинг вафотидан кейин чоп этилади. Асарни Теньйирнинг қўл ёзмаси асосида унинг сафдошлари Фурке ҳамда Домалар нашрга тайёрлайдилар. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, улар асарни чоп эттириш масаласида жуда кўп андиша қиладилар. Зотан, олимнинг бу асари структур тилшунослик масалалари талқинига бағишланган бўлишига қарамай, у одатдаги, масалан, Н.Хомскийнинг ёки америкалик бошқа олимларнинг структур тилшунослик доирасида ёзилган ишларига мутлақо ўхшамас эди. Бу ҳақда Р.Якобсон мулоҳаза билдирганида куйидагиларни айтган эди: “Қизиқ бир пайтлар Теньйирнинг қўлёзмасини чоп эттириш ҳам мумкин бўлмаган эди. Мендан уни нашр этиш арзигилик ишми, деб сўрашган эдилар ҳам. Ҳозир эса ишнинг бебаҳолиги изоҳ талаб қилмайди” (2,5).

Дарҳақиқат, И.Теньйирнинг тил материаллини таҳлил қилиш усули мутлақо ўзига хосдир ва у дескриптив тилшуносликнинг таҳлил усулларига ўхшамайди.

Тенъйирнинг синтактик назарияси вербосентрик тамойилга асосланиб, унинг асосий мағзини феъл валентлиги масаласи ташкил этади. Бошқача айтганда, Тенъйир синтактик структура, шу жумладан гап таркибида қатнашаётган турли туркумлардаги сўзлар ичида феълнинг муҳим аҳамият касб этишини, бошқа туркумлардаги сўзлар у орқали бошқарилишини алоҳида таъкидлайди.

Тенъйир жумла таркибида феъл оҳанграбо вазифасини бажаришини ва шу боис жумланинг бошқа компонентлари у орқали ўз ўзларини топишини кўрсатиб беради.

Олимнинг тил материалини таҳлил усули ўзига хослиги шундаки, у жумлани театр сахнасига ўхшатади ва бунда сахнадаги ҳаракатни жумлада феъл орқали бажариладиган ҳаракат билан қиёслайди.

Равшанки, сахнадаги ҳаракат актиёрлар томонидан бажарилади. Гапда (жумлада) эса иш-ҳаракатининг бажарилиши актантлар зиммасига тушишини таъкидлайди Тенъйир. Бу ўринда ҳам актиёр ва актант тушунчалари қиёсланади (3,31).

Юқоридагилардан ташқари, театр сахнасида ҳаракатнинг бажарилиши маълум бир муҳит билан боғлиқдир. Тенъйир бундай ҳолатни жумлада ҳолат билдирувчи сўзлар (сирконстантлар) бажаришини изоҳлаб беради.

И.Тенъйирнинг мазкур ғоялари дастлаб унинг ҳаёт даврида чоп этилган “Рус тилининг кичик грамматикаси” деб аталувчи 1934 йилда чоп этилган асарида ўз ифодасини топган эди. “Структур синтаксис асослари”да эса мазкур ғоялар янада мукамалроқ изоҳланади (4,8).

И.Тенъйир жумла таркибида феъл орқали бошқариладиган ва иш-ҳаракатининг воқеланишида фаол иштирок этадиган унсурларни актант деб атайди. Унинг вербосентрик назариясида актантлар учга бўлинади: 1. Биринчи (даражали) актант. 2. Иккинчи (даражали) актант. 3. Учинчи (даражали) актант.

Биринчи актант иш-ҳаракатининг ижрочиси ҳисобланади ва у қолган икки актанга нисбатан ўта фаол саналади: Алфред *donne le livre a Charles* (Алфред китобни Шарлга берапти).

Мазкур жумлада Алфред сўзи биринчи актант вазифасини бажармоқда. Зотан, бунда Алфред иш-ҳаракатининг ижрочисидир. Бу жиҳатдан биринчи актант анъанавий тилшунослигимиздаги гапнинг бош бўлаги эгага тўғри келмоқда.

Иккинчи (даражали) актант иш ҳаракатининг мазмунини ўзига тўлиқ сингдириб олади. Бу жиҳатдан уни одатдаги воситасиз тўлдирувчи билан қиёслаш мумкин. Юқорида берилган гапда *le livre* (китоб) сўзи иккинчи актант вазифасида келмоқда. Айнан ана шу гапда қатнашаётган Чарлес сўзи эса учинчи актантдир. Бундай актант иш ҳаракати ижроси билан билвосита алоқадор бўлади. Бу жиҳатдан уни одатдаги воситали тўлдирувчи билан қиёслаш мумкин бўлади.

Кўринадик, актант вазифасида ҳар доим от туркумидаги сўз келади. Аммо буни кенг маънода тушунмоқ лозим. Чунки от вазифасини олмош ҳамда отлашган сўзлар ҳам бажара олади. Масалан:

1. Айрилганни бўри ер (мақол).
2. Яхши ишга келади, ёмон – ошга (мақол).
3. Мен университетда ўқийман.

Берилган мисолларнинг биринчисида айрилганни сўзи иккинчи актант, иккинчисида яхши ва ёмон сўзлари биринчи даражали актант, учинчисидаги эса мен сўзи биринчи даражали актант вазифаларида қўлланаётганини кўрамиз.

Албатта, ҳаракат ижроси қуршовида нафақат актантлар, балки сирконстантлар ҳам, детерминатив сўзлар (аниқловчи) ҳам келиши мумкин. И.Теньйир детерминатив сўзларни махсус ном билан атайди ва уларни актантлар тасарруфида келиб, уларга изоҳ берувчи сўзлар деб кўрсатади. Масалан, Менинг дўстим қишлоқда яшайди гапида қатнашаётган менинг сўзи биринчи даражали актант дўстим сўзининг тасарруфига киради. Теньйирнинг аниқловчи сўзларни махсус ном билан атамаслигининг сабаби, бизнингча, уни сўз туркумлари жумласига киритмагани бўлса керак. Бизнинг тилшуносларимиз эса мазкур масала тавсифига энди етиб келишди.

Ҳолат билдирувчи сўзларни олим махсус сирконстант термини орқали атайди. Масалан, Комил тез ўқийди жумласида тез сўзи сирконстант саналади. Бошқача айтганда, анъанага кўра ҳол деб аталувчи сўзлар Теньйир назариясида сирконстант номи билан юритилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, жумла таркибидаги актантлар сони феълнинг валентлик даражасини белгилайди. Гапда актантлар сони қанча бўлса, феълнинг синтактик валентлиги даражаси ҳам шунча бўлади. Бироқ Теньйир баъзи феъллар актантсиз бўлишини, айримлари бир актантли, яна бошқа бирлари эса икки ва ундан ортиқ актантларни бошқариши мумкинлигини айтади. Масалан, француз тилида *Il pleut* (ёмғир ёғмоқда) жумласида актант кузатилмайди. Бунда *il* (3-шахс birlik олмоши) гуё актантга ўхшамаса ҳам, у ҳаракат ижросиси эмас, балки бу ўринда фақат шахсни кўрсатиб келмода, холос. Демак, айни пайтда феълнинг валентлик даражаси нолга тенг. Собир Комилнинг китобини Акбарга берди гапида эса феълнинг синтактик валентлиги даражаси учга тенг. Чунки бу гапда учта актант иштирок этмоқда (Собир -1 д.а., китобини- 2 д. А., Акбарга – 3 д.а.).

И.Теньйирнинг “Структуре синтаксис асослари асарида сўзлар маъноларига кўра мустақил ва номустақил сўзларга бўлиб ўрганилади. Бу ўринда олим асосий эътиборни номустақил сўзларга қаратади ва уларнинг нутқдаги ҳамда тилдаги функционал фаоллигини жуда яхши ёритиб беради.

Номустақил сўзлар иккига бўлинади:

1. Биринчи гуруҳ номустақил сўзлар жумласига гапнинг синтактик салмоғини миқдор жихатдан ўзгартирувчи сўзлар киритилади ва улар

жонктивлар (юнктивлар. рус.) деб номланади. Бундай сўзлар сирасига, масалан, боғловчиларни киритиш мумкин. Бунга олим қуйидаги мисолни келтиради: *Les homes craignent la misere et la mort* (одамлар қашшоқлик ва ўлимдан қўрқадилар).

Мазкур гапда *et* (ва) боғловчиси жонктив ҳисобланади, чунки у икки сўзни ўзаро боғлаб, гапнинг синтактик шаклини кенгайтирмоқда.

2. Иккинчи гуруҳ номуस्ताқил сўзлар жумласига гап шаклини сифат жиҳатидан ўзгартирувчи номуस्ताқил сўзлар киради. Бундай номуस्ताқил сўзлар мустақил сўзлар билан муносабатга киришганда сифат ўзгариши рўй беради. Масалан: *Le livre d'Alfred* – (Алфреднинг китоби)

Мазкур бирикмада *de* (-нинг) предлоги Алфред сўзига қўшилиб мустақил маъноли сўзни от туркумидан функциясига кўра сифат туркумига кўчирмоқда (Алфреднинг китоби). Бундай вазифада артикл ҳам келиши мумкин: *bleu* (кўк) – сифат, *le bleu* (кўк ранг) – от. Бу сингари сифат ўзгариши ясовчи номуस्ताқил сўзларни И.Теньйир транслативлар деб атайд.

Шуни ҳам айтиш лозимки, транслатив ҳар доим реал қўлланилади ва шу боис унинг иштирокисиз транслиятсия ҳодисаси (сифат ўзгариши) содир бўлмайди. Жонхтив эса нисбатан бошқача характерга эга. Бошқача айтганда, баъзан унинг иштирокисиз ҳам жонкция (юнкция рус.) ҳодисаси рўй бериши мумкин. Бунга олим қуйидаги лотинча мисолни келтиради: *veni, vedi, vici* (келдим, кўрдим, енгдим).

Шундай қилиб, И.Теньйирнинг вербоцентрик назарияси ўзига хослиги билан Прага тилшунослик олимлар томонидан асос солинган структур тилшунослик тамойилларидан тубдан фарқланишини кўрамыз. И.Теньйир имкон қадар тил материали талқинига мантикий тушунчаларни аралаштирмасликка ҳаракат қилади. Бироқ, бизнинг назаримизда, Теньйирнинг лингвистик таълимотида гапда ҳаракат ифодасини берувчи феълга меъёридан ортиқ аҳамият берилган ва бунинг натижасида ҳаракат ижрочиси вазифасини бажариб келувчи от ёки отлашган сўзларнинг жумла таркибидаги функционал салмоғи тавсифига маълум даражада путур етган. Чунки олим биринчи даражали актант деб атаган унсур бўлмас экан, феълнинг функционал фаоллиги парда ичида қолади.

Мавзу бўйича саволлар

1. И.Теньйир қайси асари билан тилшунослик оламида шуҳрат қозонади?
2. Теньйирнинг лингвистик назарияси нега вербоцентрик назария деб аталади?
3. Вербосентрик назарияда феълнинг фаоллигини изоҳлаб беринг.
4. Актант деганда нимани тушунасиз?
5. Актантлар неча турга бўлинади?
6. Биринчи (даражали) актантнинг вазифаси нимадан иборат?

7. Сирконстант нимани тақозо этади?
8. Жонксия ҳодисасини ва жонктив тушунчасини изоҳлаб беринг.
9. Транслатив нима ва у қандай ҳодисанинг рўй беришига олиб келади?

Таянч сўз ва бирикмалар

Вербоцентрик ҳодиса, валентлик, актанти, сирконстант, жонктив, транслатив, жонксия, транслясия.

Адабиётлар

1. Теньйир Л. Основы структурного синтаксиса. – М., 1988.
2. Якобсон Р. (Олимнинг фикри Л.Теньйирнинг «Основы структурного синтаксиса» асарининг русча нашри сўз бошисидан олинмоқда.
3. Турниёзов Н. Феъл валентлиги ҳақида баъзи мулоҳазалар // Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд, 1998.
4. Гак В.Г. Л.Теньер и его структурный синтаксис. Л.Теньйирнинг «Основы структурного синтаксиса» асарига ёзилган сўз боши.

Мундарижа

Сўз боши

Гумбольдт ва унинг лингвистик таълимоти

Ф.де Соссюр ва унинг лингвистик таълимоти

Л.Блумфилднинг лингвистик қарашлари ва дескриптив тилшунослик ҳақида маълумот

Структур тилшунослик методлари. Дескриптив таҳлил методи

Гапни бевосита иштирокчиларга бўлиш методи

Трансформацион метод

Л.Елмслевнинг лингвистик қарашлари. Глоссематика

В.Матезиуснинг лингвистик назарияси. Гапнинг актуал бўлаклари

А.Мартиненнинг функционал таҳлил назарияси

Э.Куриловичнинг синтактик дериватсия назарияси

Н.С.Трубетскойнинг фонологик назарияси

Л.Теньйирнинг вербоцентрик назарияси